Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

2-йил чиқиши.
16 МАЙ 1967 й.
СЕШАНБА
№ 112 (266).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.



ВЕНГРИЯ МАДАНИЯТИНИНГ ВАКИЛЛАРИ ТОШКЕНТДА

РЕПОРТАЖ

Меҳмонлар Дўрмондаги улар учун ажратилган жойларга келиб жойлашгунларича журналистлар бир оз дам олдилар. Ниҳоят биз редакциямиз топширган вазифани бажариш имкониятига эга бўлдик, меҳмонлар билан яқиндан танишдик. Меҳмонлар билан бемалол улар нинг биринчи таассуротлари тўғрисида сўзлашдик, венгриялик дўстларимиз айниқса тошкентликлар томонидан гоят тантанали ва илиқ кутиб олинганликларидан чексиз хурсанд. Улар бизнинг саволларимизга жон дили билан жавоб қайтардилар ва ўз навбатида биздан шаҳар тўғрисида, шаҳарликлар тўғрисида кўпроқ билиб олишга интиладилар.

— Тошкент ям-яшил шаҳар экан.

— Шаҳарда айниқса гулларнинг кўплигини айтмайсизми.

— Кишиларнинг табассумичи.

— Биз айниқса гоят илиқ кутиб олинганлигимиз учун хурсанд бўлдик.

Меҳмонларнинг дастлабки таассуротлари ана шундай. Венгрия маданиятининг Ўзбекистондаги декадаси халқларимизни янада яқинлаштиради, дўстлик муносабатларимизни мустаҳкамлайди.

Овқатланиб, бироз дам олингандан сўнг венгриялик меҳмонлар Тошкент билан таниша бошладилар. Уларнинг ҳаммаси ҳам бизнинг шаҳар тўғрисида кўп эшитган ва шунинг учун ҳам улар Тошкентнинг янги кварталларини, янги қурилишларини, тарихий ёдгорликларини кўришга қизиқдилар.

Енгил автомашиналар тизими ва иккита катта автобус шаҳар кўчалари бўйлаб сайр қилади. Ҳар бир машинада шаҳар тўғрисида суҳбат олиб борувчи киши ўтирибди. Уларнинг бири Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Х. Асомов, яна бири шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари С. Раҳматхўжаева, шаҳарнинг бош архитектори Якушев ва бошқалар. Меҳмонлар Тошкент тўғрисидаги, унинг ўтмиш тарихи тўғрисидаги, Тошкентнинг Совет Иттифоқида тутган ўрни тўғрисидаги ҳикояларни зўр қизиш билан тингладилар.

Автомашиналар эгилаларнинг эпицентри ҳисобланган Қашқар маҳалласи деб аталган томонга бурилади. Бу ерда Қашқар маҳалласидан ном-нишон қолмаган — ҳамма нарса бўзиб ташланиб, ўрнида янги кварталлар қад кўтармоқда. Бу ердаги қурилиш ҳажми ва суръати меҳмонларни ҳайратда қолдиради. Кўк осмон кўтарма кранларнинг миноралари билан тўлган, ҳар қадамда бульдозерлар, самосвалларни, цемент, қум, оҳак, гишт ташувчи машиналар...

Меҳмонларнинг сиймосидан, уларнинг ҳайқиришлари ва бошларини чайқашларидан улар қурилишларнинг мана шундай катта ҳажмда олиб борилаётганлигидан ҳайратланганлиги сезилиб турар эди.

Шаҳар қиёфаси астасекин ўзгаради. Машиналар қатори ўрда орқали Навоий кўчасига чиқади. Меҳмонлар бу кўчадаги ҳайбатли бинолар ни қизиқиш билан кузатадилар. Санъат саройи, «Пахтакор» стадионига олиб борувчи соя-салқин хиёбонлар, комсомол майдони, ям-яшил Фурқат кўчаси, Беруний майдонида қурилаётган ер ости йўли. Педагогика институти қаршисидаги гулларга ва дарахтларга бурканган Фрунзе майдони — буларнинг ҳаммаси меҳмонларни гоят қизиқтиради, улар зўр мамнуният ва таажжуб билан тикилиб боқадилар. Улар айниқса Тошкентнинг келажак сиймоси ҳисобланган Чилонзорни зўр ҳавас билан томоша қиладилар. Москваликлар, украинлар, белоруслар, руслар, туркманлар, латвияликлар, литваликлар; бепоён ватанимизнинг бошқа халқлари томонидан тошкентликлар учун қурилган уйларни кўрган меҳмонлар завқ ва шавққа тўладилар. Улар бу уйларнинг гоят қисқа муддат ичида қурилганлиги учунгина эмас, балки бир халқнинг иккинчи бир халққа кўрсатаётган қардошларча ёрдамидан хурсанд бўладилар ва мағурланадилар.

Чилонзорда янги кварталлар ўртасида шаҳар бош архитектори Якушев меҳмонларга Тошкентнинг келажаги тўғрисида, қурилишнинг мисли кўрилмаган суръатлари тўғрисида сўзлаб берди. Бош архитектор томонидан айтилган ҳар бир рақам меҳмонларни ҳаяжонлантирар эди.

Меҳмонлар шаҳарни айланиб чиққанлари учун гоят миннатдор бўлдилар. Ҳаммадан ҳам уларга Чилонзор ёқиб қолди. Улар энди Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси томон йўл олдилар. Чилонзор Савдо маркази, «Россия» меҳмонхонаси орқада қолди.

Виставкада меҳмонлар Ўзбекистоннинг маданий бойликлари, саноатининг қудрати ва кишлоқ хўжалигининг гоят катта муваффақиятлари билан танишдилар. Республикамизнинг бу ютуқлари меҳмонларни ҳайратда қолдирди. Венгриялик дўстларимизни ҳамма нарса: Ўзбекистоннинг тарихи ҳам, унинг маъмурий тузулиши, ҳар бир областнинг тафсилоти, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, маданият, фан, саноат, пахтачилик, сохасидаги ютуқлари қизиқтиради. Бу ерда қўйилган экспонатлар ва уларнинг тушунтириш хатлари меҳмонларнинг саволларига тўла жавоб беради.

Виставкада меҳмонларнинг ҳар бири ўзларига яқин соҳалар билан кўпроқ қизиқдилар. Делегация бошлиғи, Венгрия Социалистик Ишчилар партияси Марказий Контроль комиссиясининг раиси, Венгрия Халқ Республикаси Давлат Мажлисининг депутати Янош Бруттьони, «Непсабадшаг» («Халқ озодлиги») газетасининг ходими Кекешди Дюлани, Венгрия — Совет дўстлиги жамияти Президиуми раисининг ўринбосари Ласло Кардошни ва бошқаларни Ўзбекистоннинг чет мамлакатлар билан иқтисодий, маданий алоқалари республика саноат корхоналарининг маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги масалалари, Хотин-қизлардан қўшиқчи Марта Бенце ва халқ қўшиқлари ижрочиси Катарин Мадорасни эса Тошкент тўқимачилик комбинати ишлаб чиқарган газламалар ва миллий гуллар солинган ипак матолар ҳайратда қолдирди. Доктор Добош дунёдаги халқларнинг музика асбобларини тўплаш билан шуғулланади. Шунинг учун ҳам ўзбек халқ чолғу асбоблари уни гоят қизиқтирди. Унинг тўплаган музика асбоблари ичида ҳали най, доира; рубоб; дутор ва бошқа ўзбек чолғу асбоблари йўқ экан. Албатта у бу асбобларнинг ҳар бирини қўлда ушлаб кўргиси ва уларнинг товушини эшитгиси келди.



Кеча кунниинг иккинчи ярмида Венгрия адабиёти ва санъати декадаси қатнашчилари Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлиб, республикамиз халқ хўжалиги ютуқлари билан танишдилар.

Суратда: меҳмонлар «Тоштекстильмаш» заводи ишлаб чиқарган маҳсулотлар билан танишаётирлар.

М. Нуриддинов фотоси.

Оператор Бутишко Георг виставкада кўрган-билганларини кино плёнкасига оламан, деб, терга ботиб кетди. У ҳали пахта далаларини ва пахта териш машиналарини расмга олар, ҳали экскаваторларни ва ўзбек қорақўл гиларини, гиламлар, сўзана, чинни идишлар — ҳамма нарсани расмга оларди. Унга ҳамкасабаси Ежаф Хорват кўмаклашди. Маълум бўлишича, улар бундай нарсаларни биринчи марта расмга олиши экан. Уларнинг бу олган расмлари Будапешт телевидениеси орқали кўрсатилади ва венгриялик кўп сонли телетомошабинлар республикамизнинг ҳаёти билан тўла танишиш имкониятига эга бўладилар.

Меҳмонларнинг чеҳрасидан ва уларнинг ёзиб қолдирган эсдалик хатларидан уларнинг виставкадан жуда мамнун бўлганликлари кўриниб турар эди. Ахир улар бир ярим соат ичида Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиб чиқдилар-да.

Ҳамма нарса яхши, — дедилар улар. — бизни ҳамма ерда гуллар билан кутиб олмоқдалар.

Виставкани айланиб чиқиш тамом бўлгандан кейин азиз меҳмонлар «Ўзбекфильм» киностудиясида Ўзбекистон тўғрисидаги фильмларни кўриш билан республика ҳаёти билан танишишни давом эттирдилар.

С. БРИНСКИХ,
А. ПЎЛАТОВ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

ИХТИРОЧИЛАР

Тошкент товар станциясининг меҳнатсевар коллективи Улуғ Октябрнинг 50 йиллик тўйини муносиб совғалар билан кутиб олиш иштиёқида меҳнат қилаётир. Бунинг учун юкларни эгаларига тез етказиб бериш, вагонларнинг станцияда бекор туриб қолишини камайтириш, поездлар ҳаракатини тезлаштириш керак.

Бундан бир-икки йил илгари станцияда юк туширишга вунктларига керакли ҳужжатларни юборишда кўл меҳнатидан фойдаланиларди.

— Хўш, бу иш автоматлаштирилса, бўлмайдими? Старший нормировачи Анатолий Фиратнинг ана шу ҳақда бош қотира бошлади. Кўп изланишлардан кейин Анатолийнинг таклифи билан автомат қутича (ҳатто почтаси) воситасида юк туширишга вунктларга ҳужжатлар юбориладиган бўлди.

Ишлаб чиқаришга янгидан-янги ихтирочилик таклифларининг татбиқ этилиши натижасида вагонлар тезлик билан бўшатилиб, поездлар ҳаракати тезлашди, иш унуми эса ортиб бормоқда. Станция рационализаторларининг ўн учта ихтирочилик таклифи туфайли бир йилда давлатнинг 84 345 сўм маблағи тежаб қолинди. Фиратнин, Мирҳамидов, Куликовская, Дикаревлар станцияда илғор рационализаторлардан ҳисобланишади.

Станция коллективининг юбилей йилидаги режалари каттадир. Ишчиларнинг ихтирочилик таклифлари ва ғайрати туфайли январь ойида 2649 тонна ўрнига 2748 тонна, февраль ойида 2748 ўрнига 2987 тонна юк туширилди. Март ойининг 23 кунида кўзда тутилган 55 минг 941 тонна ўрнига 68 минг 578 тонна юк туширилиб белгиланган жойларга келтирилди. Апрель ойининг топшириғини ошириб адо этган ишчилар шу кунларда май ойи планини муддатидан илгари бажариш учун астойдил меҳнат қилишаётир.

Қўлга киритилаётган муваффақиятларда станциянинг Убайдулла Раҳимов, Нодир Муҳамаджонов, Тожихон Рўзиматовалар раҳбарлик қилаётган смена ишчилари ҳиммати катта бўляпти. Бу сменалар суткада плондаги 1400 ўрнига 1938 вагондаги юкларнинг ҳужжатларини тузиб, базаларга жўнатмоқда.

— Станциямиз коллективи, — дейди станция партия ташкилотининг секретари Раҳим Абдуваҳобов, улуғ санани муносиб заварлар билан кутиб олишга аҳд қилган экан, бу вазифаларни бажаришда рационализаторлик таклифининг кўплаб ишлаб чиқаришга жорий этилишга суянамиз.

Т. СОЙНАЗАРОВ.

РЕВОЛЮЦИОНЕРЛАР КЛУБИ

Октябрь район комсомол комитети ҳузурида кенса революционерлар клуби ташкил қилинганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин бу клубнинг ҳар бир аъзосини завод ва фабрикалар ишчилари, институтларнинг студентлари, мактаб ўқувчилари қизғин кутиб олмоқдалар.

Кекса революционерлар клубига 1919 йилдан бери КПСС аъзоси Зайнутдин ака Убайдуллаев бошчилиқ қилади. Клубда революциянинг алангали йилларида тоблан, ган, озод ва бахтли ҳаёт учун курашган 1918—1920 йиллардан бери КПСС аъзолари Абдулла Муродхўжаев, Саид Нормуҳамедов, Ориф Аюпов, Мурод Умаров каби 20 дан ортиқ кенса коммунистлар фаол қатнашяпти.

Улар Улуғ Октябрнинг биринчи кунлари ва совет халқининг ярим асрлик ҳаёти давомидаги оламшумул ғалабалари, қардош халқлар орасида бахти кулган ўзбек халқининг фан, маданият, саноат ва қишлоқ хўжалиги сохасида қўлга киритган зафарлари ҳақида мазмунли суҳбат ва ленцияларр уюштирмоқдалар.

Ўзбекистонда босмачи тўдаларига қарши олиб борилган қаҳрамонона кураш саҳифалари ҳамманн қизиқтиради. Биринчи ўзбек комсомоли Абдулла Набиевнинг босмачилар қўлида фожиали ҳалок бўлиш тарихи партиянинг кенса аъзолари ёдидан асло кўтарилмайди. Ҳамма қатори Зайнутдин ака Убайдуллаев ҳам олов қалбли ўзбек комсомоли Абдулла Набиевни яхши танийди.

Яқинда бадиий наштачилик буюмлари фабрикасида бўлган учрашув нечасида Зайнутдин ака Убайдуллаев оташин ўзбек комсомолининг қаҳрамонона ҳаётини ҳикоя қилиб берди.

Биринчи ўзбек комсомол қизларидан Мукаррам Шомансурова билан 185-мактабда бўлган учрашув ҳам янада қизиқарли ўтди.

Кекса революционерлар клуби аъзолари билан бўладиган ҳар бир учрашув ёш авлодни она-Ватанга, оталар бошлаган муқаддас ишга содиқлигини яна бир бор намойиш қилади.

СУРХОНДАРЁ ВА САМАРҚАНД ТОШКЕНТГА

Илгари Високовольтний кўчаси билан Шастри кўчаси оралиғи бўм-бўш ётган ерлардан иборат эди. Бир йилдан сал ошдики, бу ердарни таниб бўлмайди. Ҳамшаҳарларимиз кўзи олдида ўзининг чиройли, хушбичимлиги билан ажралиб турган салобатли уй-жойлар қад кўтармоқда.

Янги микрорайон 20 та кўпқаватли уй-жой, 280 ўринли болалар комбинати, ўрта мактаб, магазин, дорихона ва бошқа маданий-маиший бинолар қуриш планлаштирилган.

Ҳозирнинг ўзида кўпка бўй чўзган 15 та кўп қаватли уй-жой бу массивнинг жамолини очиб юборди.

Янги микрорайонни бунёд этишда қатнашаётган бинокор коллективларнинг бири республикамизнинг жанубий — Сурхондарёдан келган азаматлардир. Улар 70 квартирали беш қаватли дастлабки уй-жойнинг қадини ростлаб қўйишди. Ҳозир пардозлаш ишлари олиб бориляпти. Юбилей вахтасида астойдил меҳнат қилаётган сурхондарёлик мададкорлар ёлғиз совға — янги уй-жойни шу ойда тошкентликларга инъом қилишмоқчи.

Янги микрорайондаги кўп қаватли уй-жойларни пардозлашда Андижондан келган ёшлар кўпчилигини ташкил этади. Арманистон ССР пойтахти Еревандаги махсус профессионал техника билим юртида таълим олиб келган 32 йигит ва қиз қурилишларда муваффақиятли иш олиб боришмоқда.

Бинокорликни ҳақиқий ҳунар, шарафли касб деб билган андижонлик ёшлар орасида тез орада 3-разрядли бўлиб олган Абдумайнон Қўзибоев, Абдуғани Абдулҳаев, Саъдулла Пўлатов, Меҳрибон Имировга ўхшаган забардаст йигитлар оз эмас.

Сурхондарёликлар қурилиш майдони ёнида самарқандликлар квартали жойлашган. Бу ерда ҳам тошкентликларга 70 квартирали 5 қаватли уй-жой барпо қилинаяпти. Бу бинони Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигининг 15-қурилиш трести қурияпти.

— Биз ҳам яқин кунлар ичида тошкентликларга янги уй-жойни тақдим қиламиз, — дейди прораб Алла Федоровна Егорова самарқандликлар иши ҳақида тухталиб.

Биноларни пардозлашда иштирок этаётган ёшларнинг кўпчилиги Москвадаги профессионал-техника билим юртида таълим олган Самарқанд области йигитларидан иборат.

Биноларни кетидан биноларр қад кўтаряпти. Ҳа демай қадрдон шаҳримизнинг ҳусни-жамоли таниб бўлмас даражада ўзгариб кетади. Сурхондарёлик ва самарқандлик биродларимиз бунёд этаётган янги уй-жойлар, мактаблар, Високовольтний масканининг чиройига-чирой қўшмоқда.

С. ҲИДОЯТОВ,
В. ХВАН.





Тошкент тўқимачилик комбинатининг коллективи Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақани қизитиб янада кўпроқ сифатли газмоллар ишлаб чиқариш учун шу неча кундузда фидокорона меҳнат қилаётир.

Суратларда: (чапда) комбинат читга гул босиш фабрикасининг илғор газмол тахловчиси Женя Трегубова тайёр газмолларни жўнатиш учун тахлаётир. (ўнгда) читга гул босиш фабрикаси контрол цехида пешқадам контролёрлардан Раъно Маллабоева билан Зарифа Тошмуҳамедова тайёр маҳсулотларнинг сифатини текшириб, савдо тармоқларига жўнатиш учун ҳозирламоқдалар. Уларнинг ҳар бири сменада плондаги 6 минг метр ўрнига 7 минг метрдан газмолни жўнатишга ҳозирлайдилар.

М. Нуриддинов фотолари.



Сенешфехерваре заводида ишлаб чиқарила бошлаган экранининг диаметри 58 сантиметр бўлган Венгрия телевизорлари «Мона Лиза» деб аталади. Бу янги приёмникни республиканинг кўплаб аҳолиси ва бошқа мамлакатларнинг телетомошабинлари харид қиладилар. Корхона хизматчилари ана шу маҳсулотнинг дастлабки партияларини Руминия ва Польшага жўнатадилар.

МТИ — ТАСС фотоси.

ОЛИМЛАР БИРЛИГИ

Ядро физикасини ривожлантириш борасида кейинги йилларда қандай ишлар қилинади? Физик олимларнинг келгуси режалари қандай?

Худди шу масалалар бўйича ўзаро фикр алмашиш мақсадида физик олимлар яқинда Венгрияда тўпланган эдилар. Бу йиғинга Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Физика-техника институтининг директори академик С. Азимов ўзбек олимлари номидан вакил бўлиб борди.

— Бу катта илмий анжуман Венгрия Фанлар академияси президиуми томонидан ўтказилди,— дейди ўртоқ С. Азимов.— Йиғин чинакам ижодий тажрибалар алмашиш мактаби вазифасини ўтади.

Ядро физикаси сохасида анчагина ишлар қилингани шу йиғинда қайд этилди. Бунда венгриялик физик олимларнинг ҳам ҳиссаси оз эмас, албатта. Биз илмий-кузатиш муассасаларида бўлганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик.

Куч-бирликда деганларидек, олимларнинг ижодий ҳамкорлиги жуда кўп муаммоларни ижобий ҳал қилиш имконини беради.

Ўзбекистонда венгер маданияти декадасининг ўтказилиши венгер ва ўзбек олимлари ўртасидаги ижодий алоқаларни тағин ҳам мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

Ҳамкорлик

Венгрия Халқ Республикасининг маркази билан чиқарилган станокларни, совутиш установкалари ва ўлчаш асбобларини кўпгина корхоналарда учратиш мумкин.

Серқуёш республикамиз ва унинг пойтахт саноат корхоналарида венгриялик дўстларимиз томонидан ишлаб чиқарилган машинасозлик саноати маҳсулотлари хизматидан Ўзбекистон ишчи-хизматчилари мамнун бўлмоқдалар.

Уз навбатида Ўзбекистон ва Тошкент саноат корхоналари хилма-хил маҳсулотларни Венгрия Халқ Республикасига етказиб бермоқда. Жумладан, дўстларимизга пахта толаси, кабель маҳсулотлари, ўтга чидамли металлар экспорт қилинмоқда. Утган йили Тошкент экскаваторчилари Венгрияга Э-352 маркали экскаваторни, Охунбобоев номидаги пахта тозалаш заводининг ишчилари эса юзлаб тонна пахта толаларини жўнатдилар. «Электролампа», «Электротехника» ва «Ташкенткабель» заводида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан ҳам венгриялик дўстларга юборилди.

Ўзбекистон саноатчилари бу йил ўз дўстларидан хилма-хил саноат товарлари оладилар. «Юлдуз» фирмаси Венгрия Халқ Республикасида тайёрланган дазмоллаш ва бир игнали тикув машиналаридан бир нечтасини олади. Шунингдек «Қизил тонг» фирмаси, 1-пойафзал фабрикасига ҳам Венгриядан янги асбоб-анжомлар келтирилади.

ИЖОДКОРЛАР МУСОБАҚАСИ

ДУШАНБА. («Тошкент оқшоми» газетасининг штатсиз мухбири хабар беради). Бир неча кундан бери Тожикистон пойтахтида Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистон кино ижодкорларининг мусобақаси бўлиб ўтмоқда. Бу кўрикда ўзбек киночилари ўз маҳоратларини намойиш қилмоқдалар.

Душанба шаҳридаги қатор марказий кино-театрлар томошабинлар билан одатдагидан ҳам гавжум. Улар «Ўзбекфильм» студияси яратган «Икки дил достони», «26-си отилмасин», «Нафосат», «Сайёд қўнғироғи» сингари янги бадиий фильмларни зўр қизиқиш билан кўрмоқдалар. Бундан ташқари «Тоғлар ва афсоналар мамлакати», «Ўрмон», «Устод Алишер Навоий» сингари қатор ҳужжатли фильмлар ҳам экранларга чиқарилди.

Бу кино кўрикда ўзбек кинематографиясининг вакиллари томошабинлар билан учрашмоқдалар. Фильмлар намойиши олдидан бўлаётган учрашувларда Ўзбекистон кинематографчилар союзи правлениесининг раиси, киносценарист С. Муҳамедов, кинорежиссёрлар Комил Ёрматов, Ўлдош Аъзамов, Равил Ботиров ва бошқалар ижодий режалари ҳақида, фильмлардаги замон ва давр руҳи ҳақида гапириб бермоқдалар.

Кўрикда тожик, қозоқ, қирғиз, туркман фильмлари ҳам намойиш қилинмоқда. Кино ижодкорлар мусобақаси эртага бу ерда якунланади. Бадиий жиҳатдан пухта яратилган кино асарларига мукофотлар тақдим этилади.

Болалар фильмлари ҳафталиги

В. И. Ленин номидаги пионерлар ташкилотининг ташкил топганига 45 йил тўлиши муносабати билан ўтказилаётган болалар фильмлари ҳафталиги «Спутник» кино-театрида «Қўлга тушмас қасоскорлар» фильми билан бошланди.

Пойтахтдаги «Ўзбекистон», «ВЛКСМ 30 йиллиги», «Восток», «Москва», «Дружба» каби кино-театрлар экранларида «Қўлга тушмас қасоскорлар», «Шкид республикаси», «Яшил патруль» «Тимур ва унинг командаси», «Янграйвер, барабан!», сингари энг яхши болалар фильмлари катта муваффақият билан намойиш қилинмоқда. Совет пионерлари ҳаётидан олинган ҳужжатли ва бадиий-оммабоп фильмлар ҳам кўрсатилмоқда.

Кино-театр фойеларида сеанслар бошланиши олдидан пионер эрталиклари уюштирилмоқда. Биринчи пионерлар билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Болалар ҳузурига уларнинг севимли ёзувчилари меҳмон бўлиб келмоқдалар. Кино-театрларни очиқ эстрадаларида энг яхши пионер дружиналарининг болалар музика ансамбллари концертлар қўйиб бермоқдалар.

ЭСТОНИЯ—ТОШКЕНТГА



КОММУНИСТЛАР БОШ БЎЛГАЧ...

Иккинчи сменада иш бошланганига ҳам талай вақт бўлди. Иван Лукьянович старший прораб Энвер Бегешев билан қурилиш майдонини айланиб чиқди. Улар дурадгорлар бригадасининг бошлиғи, коммунист Николай Николаевич Исаковнинг ёнига борib, нималарнидир уқдирмоқди, сўнг прожектор ёғду сочиб турган ёп-ёруғ кўча бўйлаб қурувчилар шаҳарчаси томон йўл олишди. Икки коммунист йўлйўлакай эртанги ишларга режа тузиб, баҳслашиб боришди.

— Эртага йиғилиш ўтказамиз. Тельтвеннинг масаласи кўрилади.

Эртаси куни қурилиш-монтаж поезднинг коммунистлари иштирокида шофёр Эндель Альбертович Тельтвеннинг ножўя ҳаракатлари муҳокама этилди. Тельтве кейинги пайтларда ичкиликка берилиб кетиб, ўз ишига совуққонлик билан қарайдиган, жамоат жойларида ҳам ичиб юрадиган бўлиб қолди. Рулга маст ҳолда ўтириб, авariяга йўл қўяди. Эндель билан партия ташкилотининг секретари Л. И. Елинкин бир неча марта суҳбатлашди. насиҳат қилди, қулоғига олмади. Дўстларининг дашномини ҳам назар-писанд қилмади. Мана, бугун ўз қилмишлари учун партия ташкилоти олдида жавоб бериш керак. Шу кунн «паттасини қўлига бериш керак эди, вассалом» деганлар ҳам бўлди. Бироқ Эндель ўз қилмишларидан пушаймон бўлиб, кечирим сўрагандан сўнг кўпчилик уни охирги марта синаш шарти билан ишда олиб қолишга қарор қилди.

— Бу воқеага кўп бўлди. Ўшандан бери Тельтвени маст ҳолда ҳеч ким кўргани йўқ. Унинг хулқида ҳам, ишида ҳам ижобий ўзгариш юз берди. Ҳозир у ўз коллективининг илғор аъзоларидан бири бўлиб қолди.

Эстония қурилиш-монтаж поездида жами 20 нафар коммунист ва икки КПСС аъзолигига кандидат бор. Уларнинг ҳар бири қурилишда масъулиятли участкаларни эгаллаш билан бирга, ўз зиммаларига олган партиявий топшириқларни ҳам сидқидилдан бажариб келишмоқда.

Ўтган йили 7 кишидан иборат халқ назоратчилари группаси тузилган эди. Коммунист Евгений Андреевич Савин бу группага бошлиқ этиб тайинланди. Халқ назоратчиларн хавфсизлик техникаси, тежамкорлик, браккa қарши курашда бир қанча ишларни амалга оширишди. Масалан дурадгор Борис Павлович Прохоров кейинги пайтларда «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида ишлайдиган бўлиб қолди. Халқ назоратчиларининг огоҳлантиришн ҳам аввалига фойда бермади. Масала партия ташкилотигача ҳам бориб етди. Партия ташкилоти уни қаттиқ огоҳлантирди. Прохоров томонидан қоқилган тахталар брак деб топилгач, у иш ҳақи олмай, ўз ҳатосини қайта тузатиб чиқди. Энди Б. П. Прохоровнинг ишини кузатган киши кам-кўстини тополмайди.

Коллективнинг қўлга киритаётган барча муваффақиятларида коммунистларнинг етакчилик роли яққол сезилиб турибди.

Бинокорлар ўртасида тез-тез лекция ва суҳбатлар, кенгаш коммунистлар билан учрашувлар ўтказиб турилади. Умуман, партия ташкилотининг бинокорлар орасида олиб бораётган сиёсий-тарбиявий ва оммавий ишлари диққатга сазовордир.

П. УСМОНОВА.

Бош прораб Энвер Бегешевнинг Тошкентга келганига бир йилдан ошяпти. Эстонияликлар қуриб топширган ҳар бир турар жой биносида унинг ҳиссаси бор.

Суратда бош прораб Энвер Бегешев иш устида.

ТАЛЛИН ҚИЗИ

Кундан-кунга яшариб, чиройига чирой қўшилаётган Чилонзор массивининг 24-кварталида қурилиш ишлари қизғин. Азамат бинокорлар юз хонодонга мўлжалланган улкан иморатнинг томини ёпишаяпти. Бинонинг тепа қисмига қоришма, бетон плиталари тахта ва бошқа турли хил қурилиш материаллари зарур бўлиб турибди. Бундай пайтларда минорали кран бошқарувчиси Марина Шуричева қурувчиларга мададкор.

Нима учундир бу сафар кран хартуми объектдан икки-уч метр чамаси ўнг томонга қийшайиб кетяпти.

— Марина, чапга, ўнгга! — қичқирди кранчига қараб, бу воқеани биринчи бўлиб пайқаган бригада бошлиғи Воладмир Рейер.

Кабинада ўтирган малла сочли қиз унга қараб «ҳозир» ишорасини қилди. Шу зумдаёқ чаққонлик билан рулни ўнгга бурди у. Бункердаги қоришма мўлжаллаган жойга бориб тушди. Сувоқчи йигит Ян, дурадгор Виталий Бобриковнинг ёрдами билан бункердаги қоришмани темир яшикка ағдарди. Уни яна кран хартумига илди. Иш бир меъёрда давом этди.

Марина ўзи туғилиб-ўсган Таллин шаҳрида саккиз йиллик мактабни тамомлаб, минорали кран бошқарувчилари тайёрлайдиган махсус курсда ўқиди. Сўнг 3 йил мобайнида ўз шаҳридаги қурилиш механизацияси бошқармасида кран бошқарувчиси бўлиб ишлади. Бу соҳада бора-бора анча мунча тажриба орттирди.

Ўтган йилнинг сентябридан эса комсомол йўлланмаси билан Тошкент сари отланди у. Мана, шундан бери бу қиз Чилонзор массивининг 24-кварталидаги 100 хонадонли турар жой биноси қурилишида қатнашди. Ҳозирги кунда қурилиш ишлари охирлаб қолган 50 квартирали бино қурилишида кўпчилик қатори Марина Шуричева ҳам салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Комсомол аъзоси, ишчан қиз Маринанинг номини Эстония қурилиш-монтаж поезди аъзолари доимо ҳурмат билан тилга олишади.

— Биз сергайрат кранчи қизимиз Шуричева билан ҳар қанча фахрлансак ҳам оз. У икки сменада ишлаб ҳам чарчаш нималигини билмайди. Хуллас: бригадамиз аъзолари бу қиз ишидан мамнун дейди,—бригада бошлиғи В. Рейер.

Бригадир ҳақ. Кундалик нормаларини 1,5—2 ҳиссага етказиб адо этаётган бу таллинлик тиниб-тинчимас қизнинг меҳнати мақтовга лойиқдир.

Т. МУЗАФФАРОВ.

МАҚСАДИМИЗ БИТТА

Тошкентга келганимизга ҳам бир йилга яқинлашиб қолди. Салкам икки юз кишилик коллективимиз тошкентликлар учун иккита беш қаватли турар жой биноси ва битта 280 ўринли болалар боғчаси қуриб бериш мажбуриятини олган.

План бўйича 100 квартирали уй 1967 йилнинг иккинчи кварталида фойдаланишга топширилиши лозим эди. Аҳил коллективимиз аъзолари астойдил меҳнат қилганликлари туфайли мазкур бино январь ойида тошкентликларга туҳфа этилди. Ҳозир эса яна бир 50 квартирали уй қурилиши ниҳоясига етай деб қолди.

Бинолар «Ташгипрогор»нинг лойиҳаси асосида қурилаётганлиги учун ҳам қурилиш жараёнида тошкентлик лойиҳачилар билан келишган ҳолда уларга айрим ўзгаришлар киритяпмиз. Масалан, боғча қурилишида лойиҳада кўрсатилган оддий панеллар ўрнига регистрли ПТВ —59×12 А панелларини ишлатяпмиз. Бу панелларнинг орасидан қишда иссиқ сув юборилиб иситилса, ёзда совуқ сув юборилиб, ҳавони салқин қилиш мумкин.

Яқинда ҳузуримизга Эстония ССР Қурилиш министрининг ўринбосари Х. Х. Лилипле келди. Уртоқ Лилипле ишимизнинг янада ривож топишига яқиндан ёрдам берди. Талабимизга мувофиқ жуда қисқа фурсатда Эстония ССР. дан битта юк машинаси, битта енгил автомашина, битта автокран ва боғча биноси учун панеллар келтириб берилди.

Шуни қувонч билан айтиш керакки, ишнинг бир меъёрда давом этишида, атрофимизда худди биз каби улкан қурилиш ишларини олиб бораётган қардош республика бинокорлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишимиз натта ёрдам бермоқда. Бордию, бизда бирон қурилиш материали тугаб қолди, дейлик. Бундай пайтларда ишни тўхтатиб, материал келгунча кутиб ўтирмаймиз. Қўшни-ларимиз бажону-дил бериб туришади.

Айниқса, Москва, Ленинград, Латвия, Молдавия ва Грузия шаҳарларидан келган қурувчилар билан мана шундай ҳамкорлик қилиб турамиз. Масалан, яқинда полга қоқадиган тахтамиз тугаб қолди. Москвaликлар 20 кубометр тахтани бериб туришди. Латвияликлардан эса 130 дона панель олганди. Орадан кўп ўтмай Эстониядан қурилиш материаллари келди. Дарҳол «омонатлар»ни эгасига топширдик. Фақат қурилиш материаллари билан эмас, лозим бўлганда ишчи кучи ва механизмлар билан ҳам бир-биримизга кўмак бериб турамиз.

Умуман, ишимиз чакки эмас. Биринчи кварталнинг планини муддатидан аввал ортиғи билан адо этдик. Кундалик ишлар ҳам белгиланган графикдан олдинда кетяпти. Қўлга киритаётганмуваффақиятларимизда коллективимизнинг машъал бинокорларининг олдинги сафда бўлишмоқда.

Шу кеча-кундузда жонажон мамлакатимизнинг ҳамма ерида Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақа қизғин тус олган. Колхоз, совхозларда, саноат корхоналари, қурилишларда меҳнат авжида. Ҳар бир совет гражданининг қалби ана шу улуғ айёмни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш ишқи билан ёнмоқда. Биз қурувчилар ҳам ана шу тантанали маросимга улнан меҳнат совғалари тайёрламоқдамиз.

Биз 1967 йилнинг охиригача қуриб битказишимиз лозим бўлган барча ишларни 1 июлгача тамомлашга қатъий аҳд қилдик.

Ҳа, мақсадимиз битта. У ҳам бўлса, ўз устимизга олган социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш, ҳамда Улуғ Октябрнинг юбилей арафасини тўйини ёруғ юз билан қаршилашдир.

И. БРОДАВКО,
Эстония қурилиш-монтаж поездининг бош инженери.



Қурилишни крансиз тасаввур қилиш қийин, албатта. Қурувчиларни қурилиш материаллари билан ўз вақтида таъминлаш кран бошқарувчисидан катта маҳорат талаб қилади. Кранчи М. Шурчиева эса бу ишни ҳамиша сидқидиллик билан бажаради.

Суратда: кранчи М. Шурчиева.

ҚУРУВЧИМАН

Бирор киши мендан «Ҳунаринг нима?» деб сўраб, қолгудек бўлса, фахр билан «бинокорман» деб жавоб қиламан. Дарҳақиқат бинолар қуришдан ҳам шарафлироқ касб борми, дунёда!

Мен ёшлигимдан қурувчи бўламан, деб дилимга тугиб қўйгандим. Ўрта мактабни тугатдим-у, тўғри техника билим юртига ўқишга кирдим. Сўнг Совет Армияси сафида хизмат этдим. Мана, қарийб етти йилдан бери қурилишда ишлаяпман. Бу давр ичида Таллин шаҳрида кўплаб бинолар қурилишида иштирок этдим. Радио заводи, Целлюлоза-қоғоз комбинати, Спорт саройи бинолари шулар жумласидандир.

Айни пайтда дўстларим қатори ўзбек дўстларимнинг пойтахтини қуришда қатнашаётганлигимдан шодман. Ҳозир тошкентликларнинг фарзандлари учун 280 ўринли боғча қурилишида барча қурувчилар билан бир қаторда тер тўкяпман.

Юбилей олди вахтасида туриб фидокорона меҳнат қилаётган коллективимиз аъзолари мавжуд объектни планда белгиланганидан бир ой аввал фойдаланишга топшириш мажбуриятини олганлар.

Иван Дунаев, Геннадий Курнеков каби ҳамкасб дўстларим кунлик нормаларини 1,5—2 ҳиссадан адо этиб, мусобақанинг олдинги сафларида бормоқдалар.

Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси тинчлик, дўстлик шаҳри—Тошкентни қуриб битказмай, ҳеч қаерга кетмасликка аҳд қилган. Мен ҳам мана шу улуғ ишга озми-кўпми ҳиссамни қўшаётганимдан ҳурсандман.

С. В. ШАЛАК,
ғишт терувчи.

МЕНИНГ ҲИССАМ

Мен Эстониянинг Кохтла Ярве шаҳрида туғилиб ўсганман.

Ўтган йили Тошкентда рўй берган табиий офат биз комсомол-ёшларнинг ҳам тинчимизни бузди. Бу хабарни эшитиб, безовта бўлдик. Ниҳоят, бир гуруҳ тенгдош дугоналар қатори жасорат ва мардлик шаҳри томон отландим.

Мана, салкам бир йил бўляпти. Эстония бинокорлари сафида тошкентликларга янги-янги турар жой бинолари қуриб беришда озми-кўпми, ҳар қалай, ўз ҳиссамни қўшяпман.

Надежда НЕВСКАЯ,
мотористка.

КОМСОМОЛЛАР КЎМАГИ

Ўтган йилнинг июнь ойидан бери дўстлик меҳру садоқатларини намойиш этиб, янги Тошкентни бунёд этишда қатнашаётган қурилиш-монтаж поездимизнинг йигирма навқирон бинокори шоири ВЛКСМ аъзосидир. Улар орасида ғишт терувчи, дурадгор бўёқчи ва сувоқчини ҳам, пайвандчи, монтажчи ва сантехникни ҳам, хуллас, бинокорлик бўйича ҳар қандай касб соҳибини учратиш мумкин.

Ҳеч бир қурилиш объекти йўққа, унда ёшлар, комсомолларнинг меҳнатлари сингмаган бўлсин. Тошкентликларнинг дардига малҳам бўлишни ўзларининг олий бурчлари деб билган ёшларимиз алоҳида ўрнак кўрсатиб меҳнат қилишяпти.

1966 йили, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 49 йиллиги шарафига Тошкент қурилишларида ишлаётган барча қардош республикаларнинг комсомол-ёшлар бригадаларараро бошланган социалистик мусобақада биринчи ўринни олган Семён Шалак бошлиқ коллективга 500 сўм пул мукофоти ва УзЛКСМ Марказий Комитетининг Кўчма вимпели берилган эди. Бу йил ҳам илғорликни қўлдан бермаётган мазкур бригада аъзолари яқинда яна комсомол мукофотига тавсия этилдилар.

Ёшларнинг коммунистик онглилик, совет ватанпарварлиги ва ўз ишларига юксак масъулиятни ҳис қилган ҳолда ёндошиш руҳида тарбиялашда икки ҳафтада бир марта чиқиб турадиган «Крокодил» сатирик-деворий газетаси ва «Комсомол прожектори»нинг таъсири катта бўляпти. Бу куйи матбуот саҳифаларини мунтазам равишда чиқариб туришимизда палаткалар шаҳарчасининг коменданти, қурилиш-монтаж поездимиз комсомол ташкилотининг бюро аъзоси, коммунист Владимир Гусев ҳар томонлама ёрдам бермоқда.

Яхши хордиқ унумли меҳнатга замин бўлади, дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Кундузги қилинган баракали меҳнатдан сўнг маданий хордиқ чиқариб, мириқиб дам олиш бизда ҳам одат тусига кириб қолган. Ҳар ҳафтенинг шанба ва дам олиш кунлари клубда ўйин-кулги кечаси ўтказиб турилади. Бундай кечаларда Доктор Каля Иевяли, Анатолий Николаев сингари ўт юрак йигитларимиз гитара, аккардион ва бошқа хил чолғу асбобларида ўйноқи ва жозибали куйлар чалишади. Қизларимиз шўх-шўх рақсларга тушишади. Қўшиқ куйга, куй рақсга уланиб кетади.

Серқуёш Ўзбекистон пойтахтини янада обод ва кўркам қилишда иштирок этаётган Борис Егоров, Петр Костюченко, Виктор Гачанский ва Владимир Болтушкинларнинг ҳиссаси беқиёс катта бўляпти.

В. ЖАВОРОНКОВА.

Эстония қурилиш-монтаж поезди комсомол ташкилотининг секретари.



Қурилишда электропайвандчи Ю. Абрамов ва А. Сисинлар кунлик иш нормаларини ортиғи билан адо этиб, ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда.

Суратда: (чапдан ўнгга) Ю. Аромов ва А. Сисинларни кўриб турибсиз.

ЭСТОНИЯЛИКЛАР САФИДА

Эндигина иккинчи қавати кўтарила бошланган бино объектида иш қизғин. Кўтарма кран етказиб берган қоришмани қабул қилиб олган Валентин Русанов, Геннадий Корников ва Иван Дунаевлар иморат деворига хафсала билан ғишт теришяпти. Бу ончил ва эркин ҳаракат қилаётган қурувчилар орасида ёши эллликларга бориб қолган ўзбек бинокорларини кўриб бироз ажабландик.

— Коллективимиз аъзолари ичида пешқадамлик қилаётган бу киши, — дейди комплекс бригада бошлиғи Юрий Минский, — сизнинг ҳамшаҳарингиз Туроб Содиқов бўладилар. Йигитларимиз билан бирга ҳавозанинг устида туриб жавлон ураётган бу учинчи разрядли ғишт терувчи кундалик иш нормаларини ҳамиша 150—160 процент адо этмоқда.

Илгари Туроб ака «Москва» колхозининг полизчилик далаларида ишларди. Шаҳримизда рўй берган зилзила оқибатларини бартараф этиш ниятн билан келган эстонлик қурувчилар Туроб акалар оиласи яшаётган жой яқинида қуриш ишларини бошлаб юборишди. Туроб ака Ўзбекистон пойтахтини қайта тиклаш ва қуриш ишига ўз ҳиссасини қўшиш ниятида қардош эстониклар билан бирга ишлашга қарор қилади.

Мана, ҳозир салкам бир йил бўлибдики, Т. Содиков Чилонзор массивининг 24-кварталида Эстония қурилиш-монтаж поездининг аъзолари билан ҳамкорлнида меҳнат қилмоқда.

Ҳозир у эстониликлар билан бир сафда 280 ўринли болалар боғчаси биносини қуришда фаол қатнашмоқда. Бу бино план бўйича шу йилнинг тўртинчи кварталида фойдаланишга топширилиши керак.

М. ТУРОБОВ.

Дўстлик, қардошлик ва биродарлик сўзларининг моҳиятини, асл маъносини Тошкентда пайқадам. Чунки бу шаҳарни қайта тиклаш ва қуришда 15 республика бинокорлари бир жон, бир тан бўлиб, жонбозлик кўрсатмоқдалар. Ҳақиқий дўстликнинг кучи, қудрати нималарга қодир эканлиги чиндан ҳам Тошкентда аён бўляпти.

Биз ишни ўтган йилнинг июлида Чилонзор массивининг 24-кварталидаги 100 квартирали турар жой биносига пойдевор қўйишдан бошлаган эдик. Бригада аъзоларимизнинг ғайрат ва шижоатлари туфайли 1967 йилнинг иккинчи кварталида қуриб топширилиши лозим бўлган уй-жойларни биринчи январдаёқ тошкентликларга армуғон этдик.

Шу кунларда коллективимиз аъзоларн 50 квартирали турар жой биносини қуришни ниҳоясига етказмоқдалар. Бу объект планга кўра шу йилнинг 3-кварталида фойдаланишга топширилиши керак эди. Шижоатли қурувчиларимиз унн иккинчи кварталда, тўғрироғи, 1 июнгача шаҳарликларга туҳфа қилиш мажбуриятини олишган.

Умумий ишимизнинг жадал боришн ва юқорн сифатли бўлишини таъминлашда кўпчиликка ўрнак кўрсатиб, ҳалол меҳнат қилаётган Валентина Жаворонкова, Юрий Пальметс сингари малакали ғишт терувчиларнинг номларини доимо ҳурмат билан тилга оламиз.

Халқларимиз ўртасида метиндек мустаҳкам дўстлик бор экан. Тошкент яқин вақтлар ичида гўзал ва янада навқирон шаҳарга айланади. Бу ишда бизнинг бригада аъзоларимиз ҳам ўзларининг муносиб улушларини қўшаётганликларидан ғоят мамнунмиз.

В. Ю. РЕЙЕР. ғишт терувчилар бригадасининг бошлиғи.

БИНОКОРЛАР ЖАСОРАТИ



Шаҳримиз кун сайин гўзаллашиб бормоқда. Унинг кўксида беҳисоб муҳта шам турар жой бинолари тезкорлик билан бунёд этилмоқда. Сиз суратда Болтиқ бўйидан келиб, Чилонзорнинг 26-кварталида ана шундай турар жой бинолари барпо этаётган эстонликлар қураётган шинам уйларни кўриб турибсиз.

Н. Муҳаммаджонов фотолари.



МИЛЛИОНЛАР ОВОЗИ: «ВЬЕТНАМГА ТИНЧЛИК БЕРИЛСИН!»

● **ДЕҲЛИ.** Ҳинд буддистларининг таниқли раҳбари, парламентнинг собиқ аъзоси Б. П. Маурайя бу ерда бўлиб ўтган митингда нутқ сўзлаб, Ҳиндистоннинг барча буддистларига мурожаат қилди ва уларнинг Вьетнам буддистларини қатъий қўллаб-қувватлашга чақирди. Америка империализми Вьетнам буддистларига қарши ваҳшиёна агрессив уруш олиб бормоқда. У Ҳиндистон буддистларини қаҳрамон Вьетнам халқи билан бирдамлик умуммиллий кампаниясини бошлашга чақирди.

● **ХЕЛЬСИНКИ.** Финляндия қизил крести Вьетнамнинг граждан аҳолисига ёрдам бериш учун 37.200 марка маблағ ажратади. Шу ташкилот марказий правлениесининг мажлисида ана шундай қарор қабул қилинди.

● **НИКОЗИЯ.** Бу ерда меҳнаткашларнинг намойиши бўлиб ўтди. Намойиш «Америкалик империалистлар Вьетнамдан жўнаб қолинглар», «бутун дунёда тинчлик учун!» деган шиорлар остида ўтди.

● **ҒАРБИЙ БЕРЛИН.** Тинчлик, миллий ва халқаро ҳамжиҳатлик учун кураш Ғарбий Берлин доимий ишчи комитети Америкининг шимолий Вьетнамни бомбардимон қилишига ҳеч қандай дастлабки шартларсиз дарҳол ва бутунлай чек қўйишни талаб қилди.

Комитетнинг ана шу талаблар эълон қилинган бюллетенида Ғарбий Берлин аҳолиси Вьетнам раҳнпарварларига ёрдам фондига 63 минг марка топширганликлари хабар қилинади. (ТАСС).

● **ВАШИНГТОН, АҚШнинг** ҳамма районларида шу ёз давомида Вьетнамдаги урушга қарши оммавий чиқишлар ўтказишга актив тайёргарлик кўрилмоқда.

Негрларнинг граждан ҳуқуқлари ва Вьетнамдаги урушга қарши машҳур курашчи, Нобель тинчлик мукофотининг лауреати доктор Мартин Лютернинг бундан икки ҳафта илгари ана шундай кампанияни авж олдиришга чақирган эди.

● **БОНН.** Мюнхеннинг мингдан ортиқ аҳолиси АҚШнинг Вьетнамдаги жиноятқорона агрессиясига қарши намойишда қатнашди. Намойишчилар шаҳарнинг марказий кўчалари бўйлаб АҚШнинг бош консулхонаси биноси томон юрдилар. Улар «жиноятқорона урушга чек қўйилсин», «Вьетнамдаги уруш учун битта кишини ҳам, битта маркани ҳам бермаймиз» деган шиорлар ёзилган транспарантларни кўтариб ўтдилар. (ТАСС).

ЯНА МАРКАЗИЙ РАЗВЕДКА БОШҚАРМАСИ

ЛОНДОН, (ТАСС). Социалистик мамлакатларга қарши 17 йилдан бери мунтазам суратда кампания олиб бораётган «Маданият эркинлиги конгресси», АҚШ марказий разведка бошқармасидан молия ёрдами олиб келди. «Конгресс» бош ассамблеясининг президенти Минео Масани (Ҳиндистон) кеча Лондонда ўтказилган матбуот конференциясида шу ҳақда гапирди. Қароргоҳи Парижда бўлган бу ташкилот «интеллектуал озодликни ҳимоя қилиш» байроғи остида тарғибот адабиёти нашр қилмоқда.

«Конгресс» нашр қилаётган «Энкуантер» журналининг редактори Стивен Спендер билан адабий танқидчи Фрэнк Кермод марказий разведка бошқармасининг «Конгресс» ишига аралашишга қарши норозилик билдириш ишораси сифатида редакцияни тарк этганликларини билдирдилар. Улар «Энкуантер» журналининг марказий разведка бошқармасидан пул олиб турганлигини ҳам тасдиқладилар

ГРАЖДАНЛИК ҲУҚУҚЛАРИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛИНИШИГА ҚАРШИ.

ХЕЛЬСИНКИ, (ТАСС). Финляндия порт ишчилари касаба союзи Грециядаги ҳарбий фашист хунтасининг меҳнаткашлар гражданлик ҳуқуқларига тажовуз этаётганлигига қарши норозилик билдириш максадида Финляндия портларида Греция кемалари юкини тушириш ва бу кемаларга юк ортиш ишларини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Хиросимадаги «Атом уйи»ни тиклаш бошланди, деб Японияда бундан 22 йил муқаддам Америка атом бомбаси билан вайрон қилинган савдо-саноат палатаси «Атом уйи» деб аталади. Бу фожиа натижасида ҳалок бўлганлар қабристони эндилинда тинчлик ҳиёбонига айланган. Ҳар йили 6 августда япон ва чет эл тинчлик учун курашчилари бу ерга келиб, уларни ҳурмат билан ҳотирлайдилар.

Йиллар ўтиши билан ёдгорлик емирила бошлади. Ёдгорликни сақлаб қолиш мақсадида мамлакатнинг турли бурчакларидан хатлар кела бошлади. Унда ёдгорликни тиклаш талаб этилади.

Ёдгорликни тиклаш учун махсус комитет тузилиб, унга Хиросима университетининг профессори Сигэо Сато бошчилик қилмоқда. Июль ойида қурилиш ишлари тугалланиб, бу ерга ядро қуролига қарши курашчилар тўпланади.

Суратда: Хиросима мэри Синдзо Хаман тиклаш ишларини расмий бошлаб бермоқда.

КИРДО — ТАСС фотоси.



ГРЕЦИЯДАГИ ТЕРРОРГА ҚАРШИ

ВЕНА. (ТАСС). Австрияда Грецияда ҳарбий тўнтаришга қарши норозилик ҳаракати кенгайиб бормоқда.

Австрия социалистик партияси хотин-қизлар ташкилотининг марказий комитети бирлашган миллатлар ташкилотига мурожаат қилиб, одамлар қўплаб қамоққа олинаётганлигини, демократик арбоблар, сиёсий, касаба союз ва жамоат ташкилотлари таъқиб этилаётганлигини тўхтатиш учун дарҳол самарали тадбирлар кўришга чақирди. Мурожаатда Грециядаги воқеалар Австрия хотин-қизларини бениҳоя ташвишга солаётганлиги таъкидлат ўтилади.

Вена ёшлари Грециядаги ҳарбий хунта ўрнатган қонли террорга қарши учта норозилик намойишини ўтказди. «Ҳарбий диктатура йўқолсин». «Яшасин демократия ва республика» шиорлари остида ўтган бу намойишларда бир неча минг йигит ва қиз қатнашди.

«Арбайтер—Цайтунг» газетаси Грециядаги ҳарбий диктатура режимини қоралаб, бу режимни грек халқи қувватламаётир, деб ёзди.

ТЕРРОР ТЎХТАТИЛСИН

БЕРЛИН. (ТАСС). Германия Демократик Республикасида Грециядаги прогрессив арбобларнинг мамлакат реакцияси томонидан таъқиб этилаётганлигига қарши норозилик ҳаракати кенгайиб бормоқда. Давлат муассасалари, жамоат ташкилотлари ва газеталар номига резолюциялар, хат ва телеграммалар келиб турибди. Германия Демократик Республикаси аҳолиси барча табақаларининг вакиллари бу резолюция, хат ва телеграммаларда грек халқининг қаҳрамони Манолис Глезос ва зиндонларга ташланган бошқа ватанпарварлар дарҳол озод қилинсин, деб талаб этадилар.

Испанияда полиция репрессиялари

ПАРИЖ. (ТАСС). Испания полициячилари Сумарраг шаҳрида (Гипускоа вилояти) осмонга ўқ узиб, 500 намойишчини тарқатиб юборишга уринибгина қўйдилар. Намойишчилар биринчи май намойишига бошчилик қилган ишчи комиссиялари раҳбарларининг қамоққа олинишига қарши норозилик билдирган эдилар.

Франс Пресс агентлиги мухбирининг Сан—Себастьяндан хабар беришича, намойиш қатнашчилари полициячиларни тошбўрон қилганлар. Олти киши қамоққа олинган.

Халқ созандалари

НАЙ БИЛАН КЕЗИБ...

Тонг палласи. Эндигина уйқудан уйғонган қушлар чуғурлашади. Шабада кўм-кўк дарахт барглариии сийпаб эсади. Радиодан ажиб бир куй таралади. Най наво қиларди.

Шу куй қанот бўлиб, хаёл узоқ-узоқларга парвоз қилди. Беихтиёр Мавлоно Муқимийни эсладик.

Най чалиб ҳар ерда ўқийман ғазал, девонаман...

Шоир ўз замондоши Исмоил найчининг дарди-ҳасратларини иншо этиб «Девонамана» радифли шеър ёзган эди. Юқоридаги мисра ана шундан.

Ҳа, қадим санъатимиз дурдоналарини ҳалққа етказган устоз Исмоил найчининг тирикчилиги аянчли эди, у ўғличаси Абдуқодирни етаклаб, қишлоқма-қишлоқ ша, қарма-шаҳар кезишга, най чалиб кун ўтказишга, «девонамана» дейишга мажбур эди.

Исмоил найчининг ўғли Абдуқодирнинг эса бахти кулган экан. У ота мерос санъатини шодуҳуррамлик билан халққа етказа олди, жаҳонга танилди, ўнлаб истеъдодли шогирдлар етказди. Бу бахтни унга буюк Октябрь берган эди.

Тонг палласи «Субҳидам»ни янгратиб, бутун борлиқни муборакбод этаётган найчи ҳам ана шу Абдуқодир Исмоиловнинг шогирдларидан бири, республикада хизмат кўрсатган артист Аюбжон Қодиров эди.



Аюбжон — кекса ва айни замонда ўз санъати билан ҳамиша навқирон Бухоро фарзанди. Болаликданоқ музикага ҳавас қўйган Аюбжон дастлаб Шарқ миллий музика билим юртига кириб ўқиди. Останақул Миржонов, Нусрат Иноков, Аҳмаджон Ихтиёров каби устоз санъаткорлардан таълим олди. Концертларда маҳоратини намойиш қилиб, эл тилига тушди. Уни Аюб найчи деб атайдиган бўлдилар.

1936 йили атоқли композитор Мухтор Ашрафийнинг таклифига биноан бухоролик бир қатор санъаткорлар билан Аюб Қодиров ҳам Тошкентга — Ўзбек Давлат филармониясига ишга келди. Ўша кунларда машҳур санъаткор Тўхтасин Жалилов ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли ташкил этган эди. Юсуфжон қизиқ, Абдуқодир Исмоилов-Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Домла Ҳалим Ибодов, Юнус Ражабий, Беркинбой Файзиев ва бошқа санъаткорлар сафида ёш Аюбжон ҳам ана шу ансамблда хизмат қила бошлади. Тўхтасин Жалилов билан Абдуқодир Исмоилов уни ўз фарзандидек кўриб тарбияладилар.

1937 йили Москвада биринчи ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлиги ўтказилди. Бу улкан санъат байрамида Аюбжон Қодиров ҳам қатнашди. У устози Абдуқодир Исмоилов ташкил этган ўн икки кишидан иборат найчилар ансамблининг аъзоси эди.

1941 йил, 22 июнда немис-фашист газандалари мамлакатимизга ҳиёнаткорона ҳужум қилди. Ҳамма Ватан ҳимоясига сафарбар этилди. Аюбжон Қодиров ҳам бу буюк юришдан четда қолмади. У бекасам тўнини солдат шинелига алмаштириб, Тамарахоним бош бўлган ансамблда ҳизмат қила бошлади. Ансамблнинг жанговар куй қўшиқ ва рақслари Кораденгиз, Болтиқ, Тинч океан флотларининг улкан кемаларида янгради. Кавказ, Украина, Белоруссия тупроқларида душманга қақшатғич зарбалар бераётган жангчиларни, Узоқ Шарқдаги чегараларимиз посбонларини ҳушнуд этди. Бу даврда Аюбжон Қодиров дўстлари қатори «Кавказ мудофаси учуни» медали билан, кўпгина фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Жанговар йиллар орқада қолди. Яна мамлакатимизда тинч ҳаёт бошланди. Моҳир найи Аюбжон Қодиров ўз санъати билан тинчликни, фаровон ҳаётни куйлай бошлади. Тошкент Давлат консерваториясида ўқиб жаҳон музика санъати билан янада чуқурроқ танишди, ўз репертуарини жаҳон классиклари ва халқ музикалари билан бойитди.

Аюбжон Қодиров 1953 йилда бир группа совет санъаткорлари билан қадимий санъат ўлкаси Ҳиндистон сафарида бўлди. У ҳинд фильмидаги «Нагин» арияснни ижро этаркан, минглаб ҳинд томошабинларининг қалбини ўзига ром қилди. Ҳиндистон Бош Министри, марҳум Жавоҳарлал Неру тақдим этган ҳинд найида «Сегоҳ»ни ижро этаркан, бутун ҳинд эли А. Қодировга жўр бўлаётгандек туюлди.

Аюб Қодировнинг санъати билан бирма мамлакатининг халқлари ҳам танишишга муяссар бўлишган.

1954 йилдан Аюбжон Қодиров ижодий коллективларда бадиий раҳбар лавозимида ҳизмат қила бошлади. Ҳозирги кунда у ўзбек давлат филармонияси қошидаги икки йиллик эшула ва рақс студиясига раҳбарлик қилмоқда.

Ҳ. ҲАКИМОВ, У. ЮСУПОВ.

ЯНГИ КИТОБЛАР

ФОЙДАЛИ ТАДҚИҚОТ

Ўзбекистон «Фан» нашриёти филология фанлари кандидати Н. Исмоиловнинг муҳим бир илмий асарини жамоатчиликка тақдим этди. Ҳозиргача бирор автор туркий тиллардаги қавм-қариндошлик терминларини махсус равишда бу қадар чуқур ва атрофлича текширмаган, бу сингари монографик иш яратилмаган эди. Ўзбек тилини пухта ва илмий асосда эгаллаган И. Исмоилов бу темани ўз она тили —уйғур тили билан ва кўп ўринларда козоқ, киргиз, қорақалпоқ, туркман тилларига ҳам қиёслаб текширган.

Бу илмий асар, асосан, тилшуносларга, филология факультетлари студентлари, аспирантларига, ўқитувчи ва илмий ходимларга мўлжалланган. Шунга қарамасдан ижчам ва тушинарли қилиб берилган кискартмаларда, шартли белгиларда ва асар охиридаги қавм-қариндош терминларига оид киёсий луғатда чуқур илмий анализларда, лўнда ва равшан хулосада авторнинг нечоғлик тер тўкиб ишлаганлиги сезилиб турипти. Асарнинг кириш қисмидан сўнг, қавм-қариндошликнинг асосий терминлари қон-қариндошлик терминлари, III. Тутинган сўзи билан ифодаланган яқинлик номлари каби уч катта бобга бўлинган ва ниҳоят, кисқа, аммо жуда маъноли хулосе берилган.

Автор терминларнинг ҳар бирини ўз группаси доирасида бирма-бир лексик грамматик маъноларини чиройли замонавий мисоллар билан очиб берган.

С. ЗУФАРОВ,
филология фанлари кандидати.



Жигманд РЕМЕНИК

КЕКСАЛИК

ҲИКОЯ

Қария баландда, тепаликда сайр этишни севади. У Сабадшаг тоғининг кўмкўк ўт қопланган суйри ёнбағридаги кўчаларда роҳатланиб сайр қилади. Уни Иштенхеди кўчасида, икки томони боғ тепалар билан ўралган Ора кўчасида аста одимлаб юрганини тез-тез ўт қопланган шаҳарга кириб боради. Богининг бурчагида икки қаватли, бир вақтлар афтидан ҳашаматли бўлган, сувоқлари кўчиб, деразалари қийшайиб кетган уй турибди, ёмғир ёғса чакка ўтиши ҳам аҳтимол. Уйнинг нариги ёғи ёнбағр бўйлаб кетган боғ. Дарахтлар орасида сунъий дўнгликлар ва қалин ўт босган чуқурчалари бўлган ям-яшил алланлик бор — бу ер бирор уйин, эҳтимол крикет ёки гольф уйинига мўлжалланган бўлса керак. Майдончада ҳар жой-ҳар жойда рангдор байроқчалар бор, аммо ҳозир уларнинг ранги қанақалигини аниқлаб бўлмайди.

Қария бирданига рўпара томондаги буталар орасидан йўталишга ўхшаш қандайдир товушни эшитди. У ерда сийқаланиб кетган шляпали чол ўтирарди. У ўрнидан қўзғатиб чиқарилган тош устида сандал кийган оёғини йиғиштириб ўтирарди. Ёнида эса аччи ўтлаб юрибди. Чол калта трубкасини тутатиб, тутун орасидан қарияга тикилиб ва бу ҳаёт билан, айниқса оғир ўйлар билан банд бўлган, ёлғиз сайр қилиб юрган киши билан ҳеч қандай иши бўлмагандек, қараб турарди. Шунга қарамай чол трубкасини қаланиб кетган тошларидан чиқармаганича бирданига гап бошлади.

— Бу ерда тез-тез сайр қилиб юрасиз, жаноб. Сизни оқшом пайтида бир неча март кўрдим... Бу жойларда безорилар қоронғида кўп йўловчиларни ечинтириб кетишган.

Чол сўзини чала қолдириб, бирданига жим бўлиб қолди. Диана зинаси томонга ташвиш билан тикилди. У нимагадир қулоқ солиб, ҳатто оғзидан трубкасини олди. занжирга боғлоғлиқ аччини йқинроққа тортди, у ҳамон қоронғиликка, зинанинг зулматга чўкиб кетган қисми томонга ташвишли тикиларди.

Юқоридан овозлар, кейин оёқ товушлари эшитилди. Орадан бир дақиқа ўтмай, зинадан пастга тушиб келаётган уч йигит кўринди. Тўғриси улар йигитлар эмас, ўсмирлар эди. Улар чоллар олдига келиб тўхташди ва папирос чекишди.

— Эчки! Икки така! Ме-е-е! — деб қичқиришли улар ва хоҳолаб, пастга, шаҳар томонга югуриб кетишди.

Чол аччи боғланган занжирни ушлаганча яна гапира бошлади:

— Кетишди...— деди у енгил тортиб.— Йўқ булар ечинтирмайди, пулга ҳам тегмайди... Булар тентаклар! Ҳали ақли кирмаган, ёш, она сути оғзидан кетмаган! Ҳеч нарсанинг фарқига етишмайди, шу ҳолос, жаноб...

— Улар рўпарамдаги уйни ҳам сезишмади... Мен эса эллик йилча олдин бу уй қандай қурилганини кўргаиман. Мен шу ерда туғилганман, умрим ҳам шу ерда, тогда ўтиб кетди. Бу қанақа уй бўлганини биласизми эди. Қалъа, қалъагина эмас, бутун бир сарой эди. Бир пойафзал фабрикасининг эгаси биринчи уруш вақтида қурган. Унинг исми эсимда қолмапти... У фронтдаги аскарларга тагчарми картондан қилинган ботинка етказиб берарди... Нима бўлган денг, аскарларнинг оёғини совуқ олган, фабрикант ўлиб кетди, уйнинг сувоқлари тўкилиб кетди, ойналари синди, энди шипи ҳам тушиб кетаяпти... Шунақа ишлар, жаноб. Ҳозир уйда қандайдир элчихона жойлашган, жаноблар тўп ўйнашади, гўё бошқа иш йўкдек...

Чол трубкадаги кулни коқаркан, қўшиб қўйди:

— Кўзни яхшироқ очиб қаралса, кўп нарсани кўриш мумкин... Ҳу ерда ётган дарахтни кўряпсизми?

— Кўряпман,— деб жавоб берди қария.

— Унинг қулоб тушганига икки йил бўлди, чумолилар билан немирувчилар уни ҳадемай талаб кетишади. Еки бўлмаса уй яқинидаги тушдан кейин жаноблар тўп ўйнайдиган ялангликка қаранг. Ҳар куни миллион-миллион гиёҳ қурийди. Ўз ҳаётидан айрилади, таъбир жоиз бўлса ўлади. Табиат қонуни шундай, жаноб, ҳеч кимгили жойи йўқ!.. Буёққа қаранг!—хитой қилди чол қопқора осмонга қараб, зулматни ёриб ўтган ёруғ чизиқни кўрсатиб.— Ҳатто осмонда ҳам!... Фақат уйлар, дарахтлар, ўтлар, эчкилар ва одамлар эмас, ҳатто сайёралар, ойлар ва қуёш ҳам туғилади, яшайди, эртамкечми ўлади... Кулишга ҳам, қайгуришга ҳам, ўялишга ҳам ўрин йўқ, жаноб. Ҳалиги олабайроқ кўйлак кийган миттилар бизнинг устимиздан ўринсиз кулишяпти! Агар бирортаси уялиши лозим бўлса, худо уялсин! Ахир дунёни у шундай яратган, ҳамма нарсани қамраб олувчи табиат қонуни ҳатто қўёш, ой, сайёралар дунёсини ҳам аямайди... Ҳатто сайёралар ҳам ҳалок бўладиган бўлса... Сайёралар, жаноб!— у ҳолда мозик ўткинчи материядан тузилган бизлар нима ҳам қила олардик!..

Сўнгги сўзларни айтаркан, чол зўрға энгашиб, қўли билан ўтларни пайпаслаб занжирни топди, сўнгра ўрнидан турди, шляпасини сал кўтариб, хайрлашди-ю аччини олдига солганча аста юқорига, у ер-бу ерда милтиллаб турган чироқлар остидан Диана кўчаси томонга юриб кетди...

Қария ҳам Диана зинасидан, Арбан майдонига тушди ва у ердан Федор кўчаси бўйлаб «на тепаликка кўтарила бошлади. У базъан тўхтаб, табассум қилиб қўяди. У мевазор боғларга, янги қурилаётган уйларга қараб боради, ўзи эса «Қойдаси шунақа, худди шундайлиги кақадар яхши...» деб ўйлайди. Аммо борган сари унинг сокин, ўйчан табассумида қандайдир ташвиш ва алам пайдо бўлади. «Эллик, олтмиш, балки юз йил...— деб ўйлайди қария ўзича.— Тўғри, унгача янги уйлар қуришади, эскиларини янги мезавор боғлар қоплайди бутун оламдаги каби бу боғлар эса, қурийди, умри тугайди! О, уйлар, дарахтлар, гиёҳлар, сайёралар, ойлар ва қуёшлар, о, одамлар!... Табиатдаги бу алмашиб туриш нақадар табиий бўлмаси, барибир, инсон умрининг қисқалигини англаш нақадар даҳшат ва аламли!..»

Қария Федор кўчасидан тобора узоқлашиб бормоқда, унинг тушунган ва тан берган қалбидан жой олган алам ҳамон азоб берарди...



Йожеф Аттиль номли «АБВ» турар жой посёлкасидаги универмагда оддий кунлари беш мингдан ортиқ шанба кунлари эса 12 мингдан ортиқ харидорлар харид қилади. Универмагнинг товар оборотн бир ойга 4 миллион форинтни ташкил қилади.

ХКП РАҲБАРЛАРИ СИЁСИЙ ЙЎЛИНИНГ МАНБАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Н. КАПЧЕНКО

ГЕГЕМОНЛИККА ИНТИЛИШ. Ҳозирги Хитой раҳбарларининг урушқоқ миллатчилик руҳи билан сугорилган улуг давлатчилик йўлининг келиб чиқишида уларнинг социалистик ҳамдўстлик ва халқаро коммунистик ҳаракатида ўз гегемонлигини ўрнатишга қаратилган даъвоси ғоят муҳим роль ўйнади. Гегемонликка интилиш миллатчилик ва шахсга сиғинишдан келиб чиқкандир. Улуғдавлатчилик шовинизми билан ҳаддан ташқари ячайиб кетган шахсга сиғиниш-нинг бир-бирига ҳомийлиги қонуний равишда гегемонлик планлари ва ниятларининг пайдо бўлишига олиб келди.

«Марксча-ленинча йўлдан «сўлга» огиш ҳам, ўнгга огиш ҳам улар миллатчилик ҳамда гегемонизм нишоналари билан боғлиқ бўлганда аниқса хавфлидир».— деб таъкидлаган эди КПСС XXIII съезди. Мао Цзэ-дун гуруҳининг мисоли бу хулосани исботлаш учун ёрқин далил бўла олади.

Гегемонлик позициясига ўтиб олиш, у қандай шаклда ифодаланмасин, пролетар интернационализмига ётдир ва уни тўғридан-тўғри инкор этишдир. Шунинг учун ҳам ХКП раҳбарларининг гегемонлякка интилишлари зўр бериб яширилмоқда. Бироқ далиллар ХКП раҳбарлари гегемонни ўрнатишни ўзларининг энг асосий стратегик мақсади эканлигидан далолат беради.

Гегемонликка интилиш маоцзэдунчасига раҳбарликнинг кўпгина нуфузини, жумладан, унинг советларга қарши сиёсатини, КПСС га нисбатан туҳматларини, КПСС ва унинг раҳбарларини обрўсизлантиришга интилишини ва Совет Иттифоқи билан бошқа социализм мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни заифлаштиришга қаротилганлигини кўрсатади. Жаҳон революцион ҳаракатининг авангарди ҳисобланган ва буюк тарихий жангларда галабага эришиб, зўр халқаро обрўга эга бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ХКПнинг ҳозирги раҳбарлари кўз олдида уларнинг улуғдавлатчилик сиёсатини амалга ошириш йўлидаги асосий тўсиқни бўлиб кўринмоқда.

ХКП бошлиқларининг гегемонликка интилишининг пайдо бўлиши ва ривожланиши икки даврни ўз бошидан кечирган: яширин, «эмбрионал» ривожланиш даври ва гегемонликни ўрнатиш учун очиқдан очиқ гоявий ва сиёсий курашга ўтиш даври. Биринчи даврда ғоят ҳушёрлик билан маънавий таъсир этиш усули қўлланилган бўлса, иккинчи даврда маънавий таъсир этиш ташкилий тадбирлар кўриш билан боғлаб олиб борилди. Бундай тадбирларга жаҳон коммунистик ҳаракатида ихтилофчи гуруҳлар ва оқимлар аҳудудга келтирган ва уларни қўллаб-қувватлашлар киради.

Ҳозир ХКП да ҳукмрон бўлиб турган гуруҳ ўзининг гегемонликка интилишини асослашда Мао Цзэ-дуннинг назарий ва сиёсий қўлланмаларидан фойдаланишга уринмоқда. «Мао Цзэ-дун гоялари» деб аталган дунёқарашнинг ҳамма соҳага тадбиқ қилиш мумкин бўлган назария деб талқин қилишга уринишни ҳам ҳудди шу нуқтаи назардан қараш керак. Баъзи мисолларни келтирамиз.

1945 йилда, ХКП VII съездининг очилиши олдидан сўзлаган нутқида партиянинг аналшу даврдаги арбобларидан бири Жэнь Би-ши бундай деган эди: «Партиямизнинг 24 йиллик нураши даврида ўзимизнинг доҳиимиз ўртоқ Мао Цзэ-дун юзага келди... Ўртоқ Мао Цзэ-дун биргина хитой халқининг байроғи бўлиб қолмасдан, балки Шарқ халқларининг ҳам озодлик учун курашларида байроғи бўлиб қолди» («Цзефан жибао», 1945 йил, 1 Май). Аммо Мао Цзэ-дун гоялари таъсир доирасини фақат Шарқ билан чеклаб қўйиш хитой раҳбарларини қаноатлантирмади. Улар бу доирани кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдалар ва улар «Мао Цзэ-дун гояларини» универсал қуролга айлантириш, бу гояларга «умумий», ҳамма халқлар учун мажбурий тус бериш лозим деб ҳисоблайдилар.

Ҳозирги пайтда ХКП раҳбарларининг гегемонликка интилиши ҳаддан ташқари чексиз бўлиб кетди. Хитой матбуоти Мао Цзэ-дунни «жаҳон революциясининг доҳиси» ва «ҳалқаро коммунистик ҳаракатнинг раҳбари» деб эълон қилмоқда. Гегемонизм Мао Цзэ-дун ва унинг атроф, фидагилар томонидан ўтказилаётган ташқи сиёсатни белгиловчи йўналишлардан бири бўлиб қолди.

РЕВИЗИОНИЗМ. ХКП раҳбарларининг ҳозирги гоявий-сиёсий платформасининг пайдо бўлишини кўрсатиб берувчи манбадан бири уларнинг аҳдаларга (догмаларга) берилганликларидир. Бироқ уларнинг аҳдалари (догматизми) ўзининг ҳақиқий мазмуни билан марксча-ленинча таълимотни ревизия қилишдан бошқа нарса эмас. «Хитойлаштирилган марксизм»нинг энг характерли белгиларидан бири ҳам қотиб қолган догматизм билан муросасиз ревизионизмнинг бир бирига мослашиб кетганлигидир.

Бундан 20—30 йил аввал Мао Цзэ-дун томонидан олдинга сурилган нотўғри қоидаларни Хитой пропагандаси сунъий равишда ҳозирги шароитга кўчирмоқда. Халқаро коммунистик ҳаракатда бу қоидаларни мажбуран қўллашга даъват этмоқда.

Шу билан бирга ХКП раҳбарлари томонидан ҳозирги замоннинг энг муҳим масалалар юзасидан тутаётган сиёсатида прагматизм яққол акс этиб турганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Хитой раҳбарлари у ёки бу назарий қоидани ўзларига фойда келтириб тургунча ҳимоя қиладилар ёки унга қарши чиқадилар. Уларнинг назарий концепциялари энг аввал амалий фаолиятини оқлаш учун хизмат қилади.

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонида)

(Давоми бор).

ЖУРНАЛХОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ленин номли Тошкент Давлат университетининг филология факультетида студентларнинг «Шарқ юлдузи» журнали редакцияси ходимлари билан учрашуви бўлди.

Учрашувда студентлардан М. Ҳайдаров, Д. Файзиев, Н. Қўшмоқов, аспирантлар — С. Содиқов, Н. Бобохўжаев ва бошқалар журнал саҳифаларида ёритилаётган бадиий асарларнинг аҳамияти ва қиймати ҳақида фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Шоирлардан Эркин Воҳидов, Ҳусниддин Шарипов, Ойдин Ҳожиевалар ўзларининг янги шеърларини ўқиб бердилар. Шундан кейин ёзувчи Иброҳим Раҳим, Ҳамид Ғулом, Одил Ёқубовлар ўзларининг ижодий режалари билан ўртоқлашдилар.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ ЭБЕТ

16 МАЙ, 1967 Й.

ТошПИ футболчиларининг ғалабаси

Яқинда шаҳар олий ўқув юртларининг биринчилиги учун футбол ўйини мусобақалари тугади. Бу мусобақаларнинг байроқдори, Тошкент политехника институтининг футболчилари бўлиб чиқди.

Физкультура ва медицина институтларининг футболчилари энг кучли рақиблар эди. Бироқ, ТошМИ футболчилари билан дуранг натижага эришган политехника институти командаси физкультура институти вакилларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

ТошПИ футболчилари бу йилги пойтахт олий ўқув юртлари командалари билан бўлган мусобақаларда ғолиб чиқиб, шаҳар чемпиони унвонини қўлга киритди ва 1-даражали диплом билан мукофотланди. Бўлажак инженерлар командаси яқинда Қўқон шаҳрида бўладиган республика олий ўқув юртлари футболчиларининг мусобақаларида қатнашиш учун йўлланма олди.

ТошПИ футболчилари ўтган йили ҳам шаҳар-сўнг республика чемпиони бўлиб, Бутуниттифоқ зонал ўйинларида қатнашган ва 4-ўринни олган эди.

М. МАМЕДОВ.



Тошкент спорт базаларида мактаб ўқувчиларининг XIII шаҳар спартакиадаси программаси асосида спортнинг 13 тури бўйича мусобақалар бўлиб ўтмоқда.

Суратда: Куйбишев районидаги 69-мактабнинг ёш баскетболчилари Октябрь районидаги 165-мактаб баскетболчилари билан учрашуви. Бу ўйинда қора кийимли 69-мактаб спортчилари ғолиб чиқдилар.

Н. НАДЕЖДИН фотоси.

ХОВЛИДА қоронғулик қуюқлашиб, Рафиқ соҳибнинг чеҳрасини ҳам илғаб бўлмай қолди. Лекин у дадиллашиб, ўз ҳикоясининг торларини созлар экан, оҳиста-оҳиста ўз мушкулини баён қилди. Кейин жим ўтириб, суҳбатдошининг жавобини кутди.

Рафиқ соҳиб бир кўзғалиб олиб, яна битта сигарет тутатди, сўнгра бўйнини олдинга чўзиб, деди:

— Суман, сиз бадавлат эркакларни кўп кўргандирсиз-у, аммо бадавлат хотинларни, афтидан, кўрмаганга ўхшайсиз. Демоқчиманки, улар билан ҳеч яқиндан алоқа қилганмисиз? Суман бироз жавоблаб унга қаради.

— Йўғ-е, йўқ, қилмаганман,— деди у.

— Ундай бўлса, мен сизга айтмоқчиманки, Нафиса каби бадавлат қизларга ҳамдардлик қилиш ҳам жуда қиммат савдо бўлади.



— Лекин... лекин мен Юсуф соҳиб учун қайтариб шундай деган эдим,— деди Суман тутилиб-тутилиб.

— Буни биламанку-я, лекин Нафиса учун Юсуф нима? Гап шунда. Мен бу хонадонни кўпдан биламан, Суман. Нафисанинг ҳам бошқа ҳамма бой-бадавлат қизлардан қилча фарқи йўқ. Адабиёт улар учун бир мода, сиёсат улар учун — спорт, шоиру адиб эса улар учун томоша қутига териб ясатиб қўядиган нарсалар, худди банорас ёғочдан, лаклов сополидан ва бангол қоғозидан ясалган кўғирчоқлардек. Улар ўзларининг атрофига безаклар билан оро беришади. Хўжа кўрсинга ҳар куни уч-тўрт литр сут сотиб олган ерларида шоир учун виски ташкил қилиш нима бўлибди? Мақсад фақат кўнгил очиш.

Суман оғзи очилиб, унга тикилиб қолган эди.

— Лекин, бу жуда қизиқ гапку,— деди оҳиста Суман, — лекин бу адиб ва шоирлар... булар ўқиган кўрган бўладику. Наҳотки, улар ўзлари англашмаса буни, Рафиқ соҳиб? Шоирлар нима учун ўзларини эрмак қилишга йўл қўядилар, фаҳмлаи етмайдими?

— Жуда яхши тушунишади,— деди Рафиқ соҳиб, — бироқ бу жуда чигал масала, Суман. Чиройли жойга меҳмон бўлиб боришни ҳамма ҳам хоҳлайди Ҳусн-дийдорни ҳамма ҳам орзу қилади. Ўз таърифини эшитиш истаги инсон билан бирга туғилган бўлади. Бу нарсалардан ўзини тўхтатиб қолиш қийин. Бироқ гап бу лаззатлар эвазига киши нимаси билан тўлашида қолган. Мана шу нарса ҳал қилади.

Суман жим.

Рафиқ соҳиб сигаретини бир тортиб, давом этди:

— Хўш, сиз эгнингизда яхши шоҳи сорий, оёқларингизда чиройли сандал бўйин, билак, қулоқларингизда зийнатлар бўлишини хоҳламайсизми? Хоҳлайсиз. Тагингизда машина бўлишини, ҳарёқларни сайр қилишни, сумкангизда лиқ тўла жарақ-жарақ бели синмаган пуллар-у, хоҳлаган дўконингиздан истаган нарсангизни харид қилишни хоҳламайсизми? Лекин буларнинг ҳаммаси учун сизнинг муовиза беришга кўнглингиз йўқ. Шунинг учун ҳам сизнинг бу кўркам, покиза вужудингиз мана шу дағал чит сорийга ўралган, сизнинг бу йингиз қуруқ, оёқларингизни кўча чанглари қоплаган.

Суман чуқур этмай айтилаётган ҳар бир сўзни диққат билан эшитиб ўтирарди.

Зотан, бу кишиларга яқинроқ бориб қарасанг, раҳминг ҳам келади. Фараз қилингки, бир одам бир бегона ғала-ғовур шаҳарга бориб қолган-у, қаёққа боришини ҳам, унинг аҳволи нима бўлишини ҳам ўзи билмайди. Ваҳоланки ҳаёт йўллари ғала-ғовур шаҳар кўчаларига қараганда нақадар мушкул бўлади. Буни сизнинг ўзингиз, ҳали ёш бўлсангиз ҳам, яхши биласиз. Ана энди бу бахти қароларнинг ҳолига раҳм солиб кўринг: ўз ҳаёт йўллари қайсилигини, ўз мақсадлари ва манзилларини нима эканлигини билишмайди.

Суман бу сингари гапларни биринчи марта эшитиши эди. Баъзи гапларга ақли етиб, баъзиларига ақли бовар қилмасди. Шунга қарамай бу гаплар унга маъқул тушар, ҳаққоний ва тўғри туюлар эди. У ҳар бир сўзни диққат билан тинглар ва уни илгарилари ҳис этмаган ҳушлик ва қувват қамраб олар эди.

— Лекин, деди Суман, ўзингиз тикиб кўринг. Сизнинг учун қараганда, сизнинг гапингиз тўғри: сиз қилмоқчи бўлган нарсангиз дўстлик бурчи, холос. Лекин пулдорлар бундай самимийликнинг қадрига етмасликлари ҳақида кўрдингизми? Улар самимият деган нарсани тасаввур қилиш қобилиятидан ҳам маҳрумлар, чунки самимият пулдавлат эвазига харид қилинувчи нарсалар қаторига кирмайди.

— Ундай бўлса, нима маслаҳат берасиз? Нафиса бибига айтайми бор гапни, ё... мен-ку ўз иродамда маҳкам тураман-ку, бироқ билмадим шундай қилиш муносиб бўлармикин, деб озроқ андишаламан.

— Йўқ, йўқ, ҳаргиз кўрқманг. Албатта, айтинг. Андишаси нимаси, сиз у одамлардан жуда юқори турасиз, Суман. асло кўрқманг. Лекин менинг гапимни муносиб билсангиз, бу тўғрида, албатта, Юсуфни ҳам бехабар қолдирманг, тағин у билан сизнинг ўртангизда бирор англашилмовчилик туғилиб ўтирмасин.

— Бу гапингиз айни муддао,— деди Суман оҳиста.

— Бундан чиқди, сиз Нафиса бибини билар экансиз, энди менга у кишининг қанақалигини айтиб беринг,— деди зўр қизиқиш билан.

Табиатан яхши, ахлоқи жойида, эслик. Бу ожиз фикримга қараганда, Юсуфга нисбатан унда ўзига хос бир туйғу ҳам бор. Бироқ ўйлайманки, ҳалигача у ҳаётдан мақсади нималигини аниқ била олмаган, шунинг учун балки у Юсуфга йўлдош бўлолмас.

Суманнинг боши тобора говлаб борарди. Ахир, бу қандай чигалликки, Юсуфни яхши кўрса-ю, унга йўлдош бўла олмаса. Севадими — демак ҳар қандай бўлса ҳам унга ҳамрох бўлиши керак эмасми? Бўлмаса севги-севги бўладими?

— Лекин, Рафиқ соҳиб, жилла бўлмаса, уни бундан хабардор қилиб қўйиш керак,— деб ўз ўзида туриб олди Суман ҳам.

Рафиқ соҳиб кулди.

— Сизнинг мустаҳкам иродали қиз эканингизни кўриб жуда хурсанд бўляпман. Суман, мен сизни бу йўриғингиздан қайтариш ниятида ҳам эмасман. Бундай қаранг-а, сал жиддийлик билан бу тўғрида бош қотириш учун уларда фурсат йўқ, фурсат йўқ бўлиб, жуда нима билан вақтлари банд экан, бу ҳам номаълум. Майли, айяхши сабоқ бўлади. Бундай нарсангиз ўзингиздан қайтариш ниятида ҳам эмасман. Бундай қаранг-а, сал жиддийлик билан бу тўғрида бош қотириш учун уларда фурсат йўқ, фурсат йўқ бўлиб, жуда нима билан вақтлари банд экан, бу ҳам номаълум. Майли, айяхши сабоқ бўлади. Бундай қараганда, сизнинг гапингиз тўғри: сиз қилмоқчи бўлган нарсангиз дўстлик бурчи, холос. Лекин пулдорлар бундай самимийликнинг қадрига етмасликлари ҳақида кўрдингизми? Улар самимият деган нарсани тасаввур қилиш қобилиятидан ҳам маҳрумлар, чунки самимият пулдавлат эвазига харид қилинувчи нарсалар қаторига кирмайди.

— Ундай бўлса, нима маслаҳат берасиз? Нафиса бибига айтайми бор гапни, ё... мен-ку ўз иродамда маҳкам тураман-ку, бироқ билмадим шундай қилиш муносиб бўлармикин, деб озроқ андишаламан.

— Йўқ, йўқ, ҳаргиз кўрқманг. Албатта, айтинг. Андишаси нимаси, сиз у одамлардан жуда юқори турасиз, Суман. асло кўрқманг. Лекин менинг гапимни муносиб билсангиз, бу тўғрида, албатта, Юсуфни ҳам бехабар қолдирманг, тағин у билан сизнинг ўртангизда бирор англашилмовчилик туғилиб ўтирмасин.

— Бу гапингиз айни муддао,— деди Суман оҳиста.

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

(Давоми бор).



ҲАР КУНИ ЭРТАЛАБ...

С. Мусаев фотоси.

ФАКУЛЬТЕТДА РАДИОКЛУБ

«Физика-инженерлик факультетидан гапираман!» Диктор-нинг бу таниш овози ҳар куни факультет радиоузели орқали янграйди. Радиоузел — орқаля институт ва факультет янгиликлари мунтазам бериб борилади.

Тошкент политехника институти физика-инженерлик факультети студентларининг кучи билан бу ерда радиоузел ишга тушди. Радиоузелни жиҳозлашда бўлажак инженерларнинг иштироки катта бўлди. Аппаратларни монтаж қилиш ишларини ҳам улар бажаришади.

Ҳозир факультетда радиоклуб очиш учун тайёргарлик кўрилмоқда. Буни ҳам студентлар ўз кучлари билан амалга оширишга аҳд қилдилар.

Яқин келгусида бошқа факультетларда ҳам ана шундай радиоузеллар иш бошлайди.

ЯКУНЛОВЧИ МАШҒУЛОТЛАР ОЛДИДАН

Июнь ойида партия маорифи шаҳобчаларида якунловчи машғулотлар бўлади. Шу муносабат билан Ўзбекистон КП Тошкент область ва шаҳар комитетлари сиёсий маориф уйида (Карл Маркс кўчаси, 30 уй) 16 майдан бошлаб, пропагандистлар ва партия маорифи системасининг тингловчилари учун лекция-консультациялар ташкил этилади.

КПСС тарихи кабинетида бошланғич сиёсий мактаб пропагандистлари ва тингловчилари учун қуйидаги темаларда лекция-консультациялар бўлади.

16 май соат 17 да — «Ленинизм улуғвор ғояларининг тантанаси», лектор — ТИИИМСҲ КПСС тарихи кафедрасининг доценти В. И. Минеев.

26 май соат 17 да — «Коммунизм — давримизнинг байроғи»— лектор ТИИИМСҲ Илмий коммунизм кафедрасининг старший ўқитувчиси Л. М. Белявский.

Марксизм-ленинизм асосларини ўрганиш мактабларининг пропагандистлари ва тингловчилари учун ҳамда назарий семинарларнинг раҳбарлари учун қуйидаги темаларда лекция ва консультациялар ўтказилади.

18 май соат 17 да—«Улуғ Октябрь ва жаҳон революцион процесси», лектор — Низомий номли педагогика институти фалсафа кафедрасининг старший ўқитувчиси Ф. М. Прудников.

18 май соат 17 да (Сиёсий иқтисод кабинетида)—«Пул-товар муносабатлари ва коммунизм қурилиши тажрибасида улардан фойдаланиш», лектор — иқтисод фанлари кандидати Н. Б. Уткельбоев.

19 май соат 13 да — «Марксизм-ленинизм асосларини ўрганиш мактабларида КПСС тарихи бўйича якунловчи машғулотларни ўтказиш методикаси», лектор—тарих фанлари кандидати В. А. Суворов.

22 май соат 18 да — «Капиталистик эксплуатациянинг моҳияти», лектор иқтисод фанлари кандидати Н. Б. Уткельбоев.

23 май соат 18 да — «Коммунистик партия — Октябрь революциясининг доҳийси»—тарих фанлари кандидати М. Салоҳиддинов.

24 май соат 17 да — «СССРда социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалабаси ва унинг оламшумул-тарихий аҳамияти», лектор — тарих фанлари кандидати Г. А. Шистер.

24 май соат 17 да (фалсафа кабинетида)— «Фалсафа ва медицина», лектор —ТошМИ фалсафа кафедраси нинг старший ўқитувчиси А. Ф. Алеленко.

29 май соат 18 да — «Октябрь социалистик революцияси ғалабасининг оламшумул-тарихий аҳамияти», лектор — тарих фанлари кандидати С. Н. Бергер.

6 июнь соат 18 да—«Тошкент области янги беш йиллигида», лектор — иқтисод фанлари кандидати Ф. Г. Мукминов.

Ўзбекистон КП Тошкент область ва шаҳар партия комитетлари сиёсий маориф уйи.

Редактор ўринбосари Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Радио

16 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.10 Ленин ҳақида ҳикоялар. Виктор Тельпугов. «ЛЕНТЯ» (ўзбекча).

18.30 **Халқ талантлари концерти.**

Соат 19.00 да

ЎЗБЕКИСТОНДА ВЕНГЕР МАДАНИЯТИ ДЕКАДАСИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ.

Санъат саройидан олиб эшиттирилади.

21.25 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.

22.00 **«Дунё воқеалари»** (ўзбекча).

22.10 **Ўзбекистон санъат усталарининг концерти.**

22.40 Ўзбек ёзувчиларининг ҳикоялари. Ҳ. Ғулом. «Минглаб турналар» (русча).

23.20 **Лирика кечаси.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 «ШОНЛИ 50 ИЛЛИК. **«Дастлабки йиллар»** деган радиокомпозиция (ўзбекча).

19.30 Жаҳон музика санъати хазинасидан. Р. Шуман. «Симфония этюдлар.

20.10 **Республика областлари театрлари артистларининг концерти.**

20.45 «Юность Узбекистана» радиостанциясининг эшиттириши (русча).

21.00 **Композитор З. Шоҳидий асарларидан концерт** (тожикча).

21.30 А. Пахмутова. **«Рус сюитаси».**

17 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Сиз ёқтирган **қўшиқлар.**

9.30 **Ўзбек балетларидан рақслар.**

10.10 Закавказье халқлари қўшиқлари ва рақслари.

10.30 **Ўзбек давлат филармонияси артистларининг концерти.**

11.10 З. Йўлдошевнинг **«Пролетар интернационализми — дўстлик ва бирлик байроғи»** деган суҳбати (ўзбекча).

11.25 **Халқ қўшиқлари.**

12.15 Спорт эшиттириши (русча).

12.30 **Топишмоқли концерт.**

13.30 Ф. Шопеннинг фортепьяно асарлари.

16.10 **Радио ва телевидение артистлари ижросида Ўзбекистон композиторларининг асарлари.**

17.00 «ЕШЛИК» радиостанциясининг программаси.

18.10 В. Терлецкий. Лирик сюита.

18.30 **Республика кекса ижрочиларининг концерти.**

19.20 Қозоқ куйлари.

20.00 **«Собир Абдулла қўшиқлари».** Адабий-музикали эшиттириш.

20.45 **«Иқтисодий ислоҳотлар амалда»** циклидан (ўзбекча).

21.25 **Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.**

22.00 **«Октябрь ва жаҳон»** (ўзбекча).

22.15 Куйлар тинглаб дам оламиз.

22.40 Поэзия кечаси (ўзбекча).

23.20 **Радио эшитувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Вокаль ансамбларининг концерти.

19.00 **Қардош халқлар адабиёти.** Янка Бриль. **Янги ҳикоялар** (ўзбекча).

19.30 Ф. Мендельсон-Бартольди асарларидан концерт.

20.10 «ЕШЛИК» радиостанциясининг программаси. Такрорий эшиттириш.

20.50 **«Совет Озарбайжони 50 ёшда».** Боқудан эшиттириш (ўзбекча).

21.00 **Турсунзода шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар** (тожикча).

21.30 Нодир асарлар. Лос Анхелос куйлайди.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 Ф. Амиров. «Севиль» операси.

16.00 **«Фарҳод ва Ширин»** музикали драмасининг монтажи.

Телевидение

16 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида:

18.00 Телевизион янгиликлар.

18.15 Ўқувчилар учун. **«Улар Ленинградга жўнайдилар».** Спорт эшиттириши.

18.35 «ОКТЯБРЬ» программаси. **«Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш».**

19.00 САНЪАТ САРОЙИДАН ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТИ ҲУНАРМАНДЛИГИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ ОЛИБ КЎРСАТИЛАДИ. Танаффус вақтларида рус тилида телевизион янгиликлар.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида:

18.00 Ўқув эшиттиришлари программаси. Олий ўқув юртларига кирувчилар учун. Математика. **«Математик индукция методи».**

18.35 **«Соннинг абсолют ўлчови».**

19.10 Химия. «Химиянинг асосий қонунлари ва тушунчалари».

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.45 Кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Юлдузча нур сочади».

20.20 Совет музика маданияти ҳақидаги эшиттириш Таллин шаҳридан олиб кўрсатилади.

21.00 Телевизион янгиликлар.

21.10 **«Аслига қайтиш».** Телевизион фильм.

21.50 Бутуниттифоқ ҳаваскорлар санъати фестивали. Халқ чолғу асбоблари оркестри Харьков шаҳридан олиб кўрсатилади.

22.20 А. П. Чехов. **«Катта йўлда».** Ленинграддан телевизион спектакль премьераси олиб кўрсатилади.

23.30 Телевизион янгиликлар.

23.50 Ўсмирлар учун. «Изловчилар». Телевизион клуб.

00.50 Москвадан олиб кўрсатиладиган эшиттиришларнинг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида:

19.25 Эшиттиришлар программаси.

19.30 **«Сизлар учун ишлаётганлар».** Қўғирчоқ фильм.

19.55 **«Иованно куйлайди».** Фильм-концерт.

21.25 **«АЙБСИЗ АЙБДОРЛАР».** Фильм-спектакль.

17 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида:

17.55 Эшиттиришлар программаси.

18.00 Телевизион янгиликлар.

18.15 Ўқувчилар учун. **«Китоб — бизнинг дўстимиз».**

18.40 Рус тилида телевизион янгиликлар.

18.50 **«Халқ талантлари ижросида концерт».**

19.30 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун **«Юбилей йиллига— муносиб ҳосил».**

19.45 «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. Телевизион миниатюралар театри.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.30 «Фан — ишлаб чиқаришга». Телевизион фильм.

21.00 Телевизион янгиликлар.

21.10 «Совет опереттаси тарихидан».

22.00 Бутуниттифоқ бадиий ҳаваскорлар санъати фестивали. Н. Погодин. «Суръат». Волгоград шаҳридаги Гагарин номидаги Маданият саройи қошидаги халқ театрининг спектакли. Танаффус вақтида телевизион янгиликлар

00.30 Москвадан олиб кўрсатиладиган эшиттиришларнинг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида:

17.55 Эшиттиришлар программаси.

18.00 **«Шайтонча».** Болалар учун кўғирчоқ фильм.

18.20 «Беш йилликлар ҳақида ҳикоялар».

18.40 «Салом, Суоми». Телефильм.

19.00 «Тинчлик армиясининг лауреатлари бўлган рассомлар».

19.20 Телевизион янгиликлар.

19.30 Классик музика шинавандалари учун. Р. Шуман. «Карнавал»

Ўзбек тилида:

20.15 Б. Бойқобилов. **«Мен — саодат фарзанди».**

20.35 Телевизион янгиликлар.

20.45 **Пойафзалчилар саройи татар ансамблининг концерти.**

21.30 «ҚОИДАСИЗ УЙИН». Бадиий фильм

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида:

17.55 Эшиттиришлар программаси.

18.00 Болалар учун. «Остравага меҳмонга». Телефильм.

18.20 «Бодрая смена» Ленинградда». Болалар учун концерт.

19.05 «Инсон ва вулқонлар». Телеочерк.

19.25 «Андрей Сова ҳикоя қиладн». Сатирик миниатюралар.

19.50 «Томоша бошланади».

20.15 **«Опа-сингиллар».** Телефильм.

20.40 «БИР СТАКАН СУВ». Фильм-спектакль.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 17/V да **Севилья сартарошн.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/V да **Махтумқули.**

Кино театрларда

16 МАЙДА

Спартак — САНЪАТ САРОЙИ (кечқуруи), «ЧАЙКА» (кеч соат 6 ва 9-15 минутда).

Қўлга тушмас қасоскорлар — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК» (кечқуруи), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Чернушка — «МИР», СОБИР РАҲИМОВ номли (кечқуруи), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 9-45 минутда).

Ярог-аслаҳасиз рицарь— «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 7 ва 9 да).

Уч бақалоқ — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

Қўлга тушмас қасоскорлар — «ХИВА», КАФАНОВ номли (кеч соат 8-40 минутда).

Туннель (кеч соат 8-40 минутда). **Котовский** (кеч 10 яримда)— «БАТАН».

Жаҳаннам гирдобида икки йил — КАФАНОВ номли (кеч 10 яримда).

Амакимнинг туши — ПУШКИН номли.

Хевсур қиссаси — «Ударник».

17 МАЙДА

Спартак — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқуруи). «ЧАЙКА» (кеч соат 6 ва 9-15 минутда).

Қўлга тушмас қасоскорлар — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК» (кундуз ва кечқуруи). «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Чернушка — «МИР», СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқуруи). «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (арталаб соат 10 ва кеч 9-45 минутда), «МОСКВА» (эрталаб 10 да).

Ярог-аслаҳасиз рицарь— «ЧАЙКА» (кундуз соат 12, 2 ва 4 да), «ФЕСТИВАЛЬ» (кундуз 5, кеч 7 ва 9-20 минутда).

Уч бақалоқ — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8-40 минут ва 10 яримда)

Қўлга тушмас қасоскорлар — «ХИВА», КАФАНОВ номли.

Туннель (кеч 8-40 минут), Котовский (кеч 10 ярим)—«БАТАН».

Жаҳаннам гирдобида икки йил —КАФАНОВ номли (кеч 10 ярим).

Амакимнинг туши — ПУШКИН номли.

Хевсур қиссаси— «УДАРНИК».

ХАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

17, 18 майда

Сарвар Азимов

ҚОНЛИ САРОБ

2 пардали драма

Режиссёрлар — Ўзбекистон ССР халқ артистлари **А. О. Гинзбург, К. Хўжаев.**

Рассомлар — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоблари

И. Я. Вальденберг.

Д. В. Ушаков.

Ўйинларни сахналаштирувчи — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **И. Юсупов.**

Асосий ролларда — **О. Хўжаев, Н. Раҳимов.**

Ўзбекистон халқ артистлари **С. Табибуллаев, Қ. Хўжаев, З. Муҳамаджонов, Ш. Қаюмов, Т. Султонова, З. Садриева, Ғ. Аъзамов, Я. Абуллаева** ва бошқалар қатнашадилар.

Спектакль кеч соат 8 да бошланади.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

тез кунда

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Абдулла Қаҳҳор Ҳамза мукофоти лауреати.

АЯЖОНЛАРИМ

3 пардали комедия

Режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти. Абдулла Тўқай мукофоти лауреати **Т. Хўжаев.**

Рассом — **М. Эшонхўжаев.**

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР:

1967 йил 24 май кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника ва математика фанлари бўлимининг физика-математика фанлари бўйича бирлашган илмий совети мажлисида (Обсерватория кўчаси, 85-уй, физика-техника институтининг конференцзали) физика-математика фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

Е. К. Васильева «Паст босимларда кислород, водород ва азотларнинг нуксонли тузилишига эга бўлган кремнеземлардаги адсорбцияси» деган темада.

Р. Акбаев «Баъзи бир оддий суюқликларнинг иссиқлик ўтказувчанлигини гамма-нурлар майдонида текшириш» деган темада.

Диссертациялар билан академия кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

* * *

1967 йил 26 май кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг биология фанлари бўйича илмий даражалар бериш илмий совети мажлисида (К. Маркс кўчаси, 25-уй, 133-аудитория) биология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

С. Холиков «Ўзбекистонда кенг тарқалган ўсимликларнинг мактаб аниқлагичи» деган темада.

А. С. Рисбоева «Вертицеллиум далия замбуруғи турининг генетик фонди ва формаларининг ўзгариш сабаблари» деган темада.

Диссертациялар билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 59-мактаб томонидан Маҳамаджон Тўхтаев номига берилган 504162 номерли йўқолган

ЕТУКЛИК АТТЕСТАТ

бекор қилинади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4БЕТ

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй,

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — В3-02-49 дан В3-02-58гача, редактор ўринбосарлари — В3-29-33, В3-29-09; масъул секретарлар — В3-27-22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари — В3-29-42; санъат, нурлиш ва транспорт бўлими —коммутатор орқали 7-81; адабиёт, санъат ва маданият бўлими — В3-29-55; хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари — В3-29-70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари — В3-27-57; ахборот бўлими — В3-65-57; эълонлар бўлими — В3-81-42.

16 МАЙ, 1967 Й. Р. 06306. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64579. Нашр. № 2906.